

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ЗАМОНАВИЙ СОЦИОЛОГИК НАЗАРИЯ ВА  
МЕТОДОЛОГИЯЛАР”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

## **Тошкент - 2020**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

**Тузувчи:** Ж.Холбеков - социология фанлари доктори, профессор

**Тақризчи:** Н.С. Алиқориев – Ўзбекистон Миллий университети профессори, и.ф.д.

*Ўқув -услубий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 24 декабрдаги №3 -сонли баённомаси)*

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	14
III. НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР .....	21
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	62
V. ГЛОССАРИЙ .....	62
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	64

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **КИРИШ**

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ти Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ти ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ти ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ти ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илфор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 февралдаги “Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-5667-сонли Фармонида жамият ҳаётининг фундаментал соҳаларидаги мавжуд вазиятни таҳлил қилиш, илфор хорижий ҳамда маҳаллий методологик тадқиқотлар асосида илмий твсиялар ишлаб чиқиш, бунда комплекс социологик тадқиқотларнинг сифат жихатдан мутлақо янги инновацион услуг ва воситаларини шакллантириш вазифалари белгиланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юритидан кейинги таълим тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли Қарорида олий ўкув юртидан кейинги таълимга қўйилган талаблар, шунингдек халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда олий таълим юртлари профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш қоидалари белгиланган.

Юқорида келтирилган муҳим меъёрий ҳужжатларда қайд этилган вазифалар бугунги кунда социология фанининг долзарб вазифаларига ҳам оид бўлиб, жамият ривожининг ижтимоий-иктисодий, сиёсий-хукукий ва интеллектуал омиллари, ижтимоий тизимлар тузилмаси, социал ўзгаришлар ва жараёнларни ижтимоий фанлар, хусусан социологик таълимотлар ва илфор инновацион тажрибалар асосида тадқиқ этишни талаб этади. Бу эса ўз навбатида ушбу фан тармоғининг назарияси, тарихи, шунингдек тармоқлар йўналишидаги социологик тадқиқотларга бўлган эҳтиёжни янада орттироқда.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги бир қатор ОТМ да социология предметининг ўқитилаётганлиги, бир неча олий ўкув юртларида социология бўлимларининг фаолият олиб бораётганлигидан келиб чиқсан, масаланинг муҳимлиги янада ойдинлашади. Зоро, социология бўйича илмий-академик ва илмий-педагог кадрларни тайёрланиши мавжуд ижтимоий муаммоларни илмий асосланган тавсиялар асосида ўрганиш, прогнозлаш, режалаштириш ва лойиҳалаштириш имкониятларини оширади. Шу маънода юқори малакали илмий-педагог кадрлар базасини ошириш имкониятларини юзага келтирмоқда.

Шу маънода социологик таълим тизими самарадорлигини ошириш, мазкур соҳада фаолият юритаётган педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, замонавий хорижий тажрибаларни ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Замонавий социологик назария ва методологиялар” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда олий таълим сифатини ошириш, унга инновацион ёндашувни жорий этиш, ўкув жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида такомиллаштириш ҳамда халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш, қайтатайёрлаш ва

малакасини ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўз навбатида ижтимоий фанлар, хусусан олий таълим тизимида социология фанларини ўқитишни тубдан яхшилаш алоҳида ёндашувни талаб этади.

Замонавий социологик назария ва методологиялар курси олий таълимнинг бакалавриат йўналишида ўқитиладиган гуманитар фанлар туркумига киради ва “Социология” фани таркибида ўқитилади. Айниқса, замонавий назарий социология муаммоларини тадқиқ этишга сезиларли ҳисса қўшган йирик социолог олимлар, уларнинг методологик ёндашувларини ўрганиш мухимдир. Айнан социология фанининг улар томонидан тадқиқ қилинган мухим муаммолари, хусусан, замонавий жамиятнинг стратификация муаммолари, жамиятнинг ижтимоий тузилиши, социал ҳаракат ва ўзгаришлар тенденциялари, қолаверса умуман замонавий социологик билим, замонавий социологиянинг муаммолар макони ва динамикаси, глобаллашув даврида ахборотлашган жамиятнинг янгиланган назариясини баён этувчи назариялар ва методологияни ўқитиш зарурияти ошмоқда. Бу айниқса ўзининг ривожида янги даврни бошдан кечираётган Ўзбекистон жамияти учун аҳамиятлидир.

“Замонавий социологик назария ва методологиялар” модули бўйича дастурда фаннинг глобал муаммолари, бугунги кунда ижтимоий фанларда эришилган энг сўнги илмий маълумот асосида жамиятнинг бугунги кундаги ҳолатини тўлароқ акс эттирувчи методологик таълимотларга алоҳида ўрин ажратилган, шунингдек унда тизимлилик ва тарихийлик ёндашувлари базасида муаммони нафақат назарий таҳлил этиш нуқтаи назаридан, балки фактик материалларга таянган ҳолда баён қилишга эътибор қаратилгандир.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулнинг мақсади:** педагог кадрларни социология фанининг классик, ноклассик ва неоклассик парадигмалари билан бир қаторда ҳаракатдаги жамият моделлари ҳақидаги назарий-методологик билимларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, социология фани бўйича назарий ва эмпирик қарашлар

уйгунлиги асосида ўқитишнинг замонавий усулларидан самарали фойдаланишга доир амалий тавсияларни беришдан иборат.

### **Модулнинг вазифалари:**

- “Социология” йўналишида педагог кадрларнинг назарий ва касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш;
- педагогларнинг тизимли фикрлаш ва ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- социологияни ўқитишнинг муаммоли ва инновацион технологиялари тажрибаларини ўзлаштиришга ёрдамлашиш;
- “Социология” йўналишида ўз устида ишлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини амалиёт ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

Модулни ўзлаштириш якунида тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ва компетенцияларга эга бўлишлари лозим:

#### **Тингловчи:**

- жамиятнинг социал тизим (социум) сифатидаги шаклланиши, функционал мавжудлиги ва ўзгариши меъёрларини;
- жамиятнинг социал структураси ва социал тизимларини;
- ижтимоий меъёрларнинг ўзгариш тенденцияларини;
- социал маконда урбанизация ва ахборотлашган жамият моделлари;
- замонавий социологик тадқиқотлар методикаси ва техникасини;
- “социологик тадқиқот” тушунчаси, социологик билиш тизимида унинг функцияларини;
- тараққиёт тизимида ижтимоий хизмат: назарий-методологик асосларини;
- ижтимоий хизмат кўрсатишни такомиллаштиришнинг концептуал жиҳатларини;

- ижтимоий хизмат концептининг ижтимоий тавсифини **билиши** керак.

#### **Тингловчи:**

- АҚШ, Европа, Канада, Россия, Хитой, Япония ва Марказий Осиё социология фани ривожидаги устувор масалалар ва замонавий назарий-методологик концепцияларини таҳлил этиш;
- социологик тадқиқот жараёни билан боғлиқ асосий тушунчалар, социологик тадқиқот натижаларини амалиётга қўллашга доир, шунингдек тадқиқот методологияси ва методини аниқлаш, уларнинг ўхшашлиги ва фарқли жиҳатларини ажратта олиш;
- ижтимоий муносабатларнинг социал жиҳатларини тадбиқ этиш;
- интернет кибермаконида мувозанатсизликни мувозанатлаш;
- интернет кибермаконида ахборот олиш маданияти, унинг асосий восита ва турларини социологик таҳлил қилиш **қўникмаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- ташкилот, муассаса ва идораларда социологик тадқиқ қилинган статистик маълумотлардан илмий-педагогик фаолиятда фойдаланиш;
- социология фанида ижтимоий меъёр, хулқ-автор меъёрлари ва девиантлик ҳолатларининг намоён бўлишига доир, миграция жараёнларининг кечиши, ҳолати ва истиқболига доир прогностик тасаввур қила олиш;
- маълумотлар йиғиш методларини умумий таснифи ва турлари тўғрисида, шунингдек хужжатлар, бирламчи маълумотлар таҳлилини амалга ошира олиш;
- инсон манфаатларини таъминлашда ижтимоий хизмат кўрсатишнинг аҳамияти, ижтимоий хизматнинг маданий жиҳатлари ва ўзига хосликлари, ижтимоий хизмат кўрсатишнинг институционаллашуви, ижтимоий хизмат парадигмалари ва улардан самарали фойдаланиш;
- маълумотларни компьютерда қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг янги усусларини оптималлаштириш **малакаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- замонавий социологиянинг маҳсус ва тармоқ йўналишлари асосий категориялари, назарий ва амалий соҳаларда эришган ютуқлари, муаммолари ва уларнинг ривожланиш истиқболларини белгилаш ва таҳлил қилиш;
- социологик тадқиқот натижаларидан давлат ва жамият манфаати ривожида фойдаланиш, социологнинг ахлоқ Кодексидан келиб чиқиб маълумотларни ижобий мақсадларга йўналтириб лойиҳалаш;
- замонавий социология фанининг назарий ва амалий ютуқларини илмий ижодкорликка йўналтириб лойиҳалаш;
- ижтимоий жараёнларни моделлаштириш ва башорат қилиш;
- ижтимоий соҳада қўлланиладиган илмий ёндашувларни ижтимоий ҳаётга тадбиқ этиш;
- ахборотлашган жамият тўғрисида илгари сурилган концептуал ғоялар ва уларнинг истиқболи тўғрисидаги қарашларни таҳлил эта олиш;
- социология фанидаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ечимини топиш;
- назарий-методологик билимларни қўллаган ҳолда давлат буюртмасига оид муаммовий масалаларни ечишга оид тадқиқотларни бажариш **компетентцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Замонавий социологик назария ва методологиялар” модули ўқув режадаги “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш” ва мутахассислик фанлари блокидаги барча ўқув модуллари билан узвий боғланган.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар социология фанининг назарий ва методологик асосларини, шунингдек, жамият ривожи ва ўзгаришлари борасидаги энг янги назарий ғоялар ва амалий натижаларга асосланган хуносалар чиқариш, социологик тадқиқотлар маълумотларидан амалий фойдаланиш методларини қўллаш бўйича касбий компетентликка эга бўладилар.

### **“Замонавий социологик назария ва методологиялар” модули бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						Мустакил таълим	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси						
			Жами	Назарий	Амалий	Кўчма			
1.	Замонавий социологияда назария ва методология муаммолари: тарихийлик ва тизимлилик	4	4	2	2				
2.	Замонавий социологик назариялардаги асосий тушунчалар: социум, социал структура; социал ҳаракат; социал алоқалар (Э. Гидденс талқини)	4	4	2	2	2			
3.	Жамият социология предмети сифатида (социологияда жамият таҳлили (П.Штомпка талқини)	4	4	2	2				

4.	Социологияда эмпирик тадқиқот методлари	4	4	2	2	2	
5.	Социологик назария ва методологиялар истиқболлари	4	4	2	2		
<b>Жами: 24 соат</b>		<b>24</b>	<b>24</b>	<b>10</b>	<b>10</b>	<b>4</b>	

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Замонавий социологияда назария ва методология**

**муаммолари: тарихийлик ва тизимлилик ( 2-соат).**

1. Социологияда парадигмалар алмашинуви. Социология ривожининг дастлабки босқичидан (О.Конт, Э.Дюркгейм, К.Маркс, М.Вебер) замонавий социологияга (Э.Гидденс, П.Штомпка ва б.).
2. Социологияда “Инсон жамияти тарихи” тушунчаси: асосий қарашлар
3. *Социум: тузилиши ва динамикаси.*

### **2-мавзу: Замонавий социологик назариялардаги асосий тушунчалар: социум, социал структура; социал ҳаракат; социал алоқалар (Э.Гидденс талқини) (2-соат).**

1. Социал структура ва унинг таркибий элементлари (социал институтлар, ҳокимият структураси ва б.).
2. Социал ҳаракат ва унинг асосий шакллари (урбанизация, социал мобиллик, социал ҳаракатлар (революциялар), социал ўзгаришлар, глобализация).
3. *Социал алоқалар (шахс ва социализация, маданият ва жамият, социал ўзаро ҳаракатлар ва кундалик ҳаёт, конформлик ва девиантлик, гендер ва оила) социологиянинг муҳим тушунчаси сифатида.*
4. *Конфликт ва консенсус жамият мавжудлигининг реаллиги сифатида.*

### **3-мавзу: Жамият социология предмети сифатида (социологияда жамият таҳлили (П.Штомпка талқини) ( 2-соат).**

1. Инсон фаоллиги социал контекст сифатида. Социал бирликлар.
2. Маданият, қадриятлар-норматив, глобализациялизим, ижтимоий фикр – жамият ҳаётининг детерминантлари сифатида.
3. Социал стратификация Э.Гидденс ва П.Штомпка талқинида: қиёсий таҳлил.
4. *Жамият функционаллиги (социализация, социал назорат ва институционализация).*
5. *Социал ўзгаришилар (социал вақт, социал инқилоб, глобализация).*

### **4-мавзу: Социологияда тадқиқот методлари (2-соат).**

1. Социологияда тадқиқот стратегияси ва умумий методология муаммоси.
2. Асосий тадқиқот методлари (дала тадқиқотлари, сўровлар, танлаш, ҳужжатли тадқиқот, экспериметлар).
3. *Тадқиқотнинг бошқа турлари: интервью, кундаликлар, интервью, сұхбат таҳлили ва б.*
4. *Тадқиқот натижалари ва уларнинг талқини.*

### **5-мавзу: Социологик назария ва методологиялар истиқболлари (2-соат).**

1. Социал фаолият мураккаблиги турли назарий ёндашувлар мавжудлигининг табиийлиги.
2. Замонавий социологиянинг асосий назарий ёндашувлари: функционализм, структурализм, символик интеракционизм ва б.
3. *Дунёning янги манзараси ва уни изоҳлашда социологиянинг ўрни.*

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот.** Замонавий социологияда назария ва методология муаммолари: тарихийлик ва тизимлилик ( 2-соат).

**2-амалий машғулот.** Замонавий социологик назариялардаги асосий түшунчалар: социум, социал структура; социал ҳаракат; социал алоқалар (Э.Гидденс талқини) (2-соат).

**3-амалий машғулот.** Жамият социология предмети сифатида (социологияда жамият таҳлили (П.Штомпка талқини) ( 2-соат).

**4-амалий машғулот.** Социологияда эмпирик тадқиқотлар методлари (2-соат).

**5-машғулот.** Социологик назария ва методологиялар истиқболлари (2-соат).

### **КҮЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

**Күчма машғулот.** Замонавий социологик назариялардаги асосий түшунчалар: социум, социал структура; социал ҳаракат; социал алоқалар (Э. Гидденс талқини). Социологияда эмпирик тадқиқот методлари (4 соат). (ЎзМУ, “Социология” кафедраси, “Иштимоий фикр” Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази).

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиягини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (кейслар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиягини ривожлантириш).

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **1. “Кейс-стади” услуги (Case study method).**

«Case study» - инглизча сўзлар бирикмаси бўлиб («case» – аниқ вазият ёки ҳодиса, «study» – ўрганмоқ), унинг маъноси аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишга қаратилган услубни (методни) англатади. Мазкур услуг дастлаб 1921 йилда Гарвард университетида иқтисодий бошқарув фанини ўқитишда қўлланилган. Кейсда очиқ ахборот ёки аниқ воқеа-ҳодисалардан вазият сифатида таҳлил мақсадида фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидаги пунктларни қамраб олади: Ким? (Who?), Қачон? (When?), Қаерда? (Where?), Нима учун? (Why?), Қандай?/ Қанақа? (How?), Нима? (What?).

#### **“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари**

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<input type="checkbox"/> якка тартибдаги аудио-визуал иш; <input type="checkbox"/> кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); <input type="checkbox"/> ахборотни умумлаштириш; <input type="checkbox"/> ахборот таҳлили; <input type="checkbox"/> муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<input type="checkbox"/> индивидуал ва гуруҳда ишлаш; <input type="checkbox"/> муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; <input type="checkbox"/> асосий муаммоли вазиятни белгилаш

3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<input type="checkbox"/> индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; <input type="checkbox"/> муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; <input type="checkbox"/> ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсикларни таҳлил қилиш; <input type="checkbox"/> муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<input type="checkbox"/> якка ва гурӯҳда ишлаш; <input type="checkbox"/> муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; <input type="checkbox"/> ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; <input type="checkbox"/> яқуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши

*Кейс: Муаммо сифатида турли хил жсамиятдаги ижстимоий ҳодисалар наъмуналари олинади. Бунда турли жадваллар орқали қиёсий материаллар тайёрланади. Ижстимоий тизим ва жараёнларнинг даврий ўзгаришии тенденциялари аниқланади, бунинг сабабларининг умумий жиҳатлари ўрганилади.*

### **Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:**

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гурӯҳда).
- Даструрни тўғри ишлаши учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш)

#### **2. “Assessment” усули.**

Усулнинг мақсади: мазкур усул таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий қўнималарини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали тингловчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий қўнималар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Усулни амалга ошириш тартиби: “Assessment”лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, шунингдек, семинар ва амалий машғулотларда мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, хусусан, ўзини-ўзи баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви

ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, assessment га қўшимча топширикларни киритиш мумкин.

Изоҳ: Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

### 3. “Тушунчалар таҳлили” усули:

Усулнинг мақсади: мазкур усул тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустакил равишида текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

#### Усулни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ҳамда бобга тегишли сўзлар, иборалар ва тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурух тартибида);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши хақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач, ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Наъмуна: “Маъruzадаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча Маълумот
Социум	<i>Инсонларнинг ўз ҳудудий ва ижтимоий идентиклигини ҳис этиши, маълум ҳудудда яшаши, ягона сиёсий ҳокимият тизимига бўйсуншии билан ифодаланадиган тушунча</i>	
Социал структура	<i>Жамиятнинг табакалашуви ва ижтимоий тузилиши, унинг миллий-этник ва худудий бирликлари, шунингдек ижтимоий</i>	

	<i>гурухлар, сиёсий ташкилотлар, шунингдек ижтимоий институтлар ҳамда ўзгаришиларни ўз ичига оловчи комплекс тушунча</i>	
<i>Социал трансформация</i>	<i>Жамиятда ва социал тизимлардаги, унинг базавий тузилмаларидағи ўзгаришилар жараёнларини ифодаловчи тушунча</i>	
<i>Социал ҳаракат</i>	<i>Ижтимоий ўзгаришиларни содир этиши бүйича инсонларнинг йирик гурухлари ва бирликтарининг фаолиятини англатувчи тушунча</i>	
<i>Социал алоқалар</i>	<i>Жамиятда инсон фаолиги, шунингдек унинг хулқ-автори ва хатти-ҳаракатидан тортиб ижтимоий ҳаракатлар, ўзаро муносабатлар, ижтимоий ташкилотлараро боғлиқликтар ҳамда жамият ижтимоий түзлесидеги оммавий ва социал алоқаларгача бўлган кенг кўламли жараёнларни ифодаловчи тушунча</i>	
<i>Социал стратификация</i>	<i>Жамият ҳаётида инсонларнинг ижтимоий жиҳатдан табақалашуви, уларнинг даромад, моддий неъматлар, бойлик ва ҳокимиётга нисбатан турли мавқени эгаллашлари ҳамда турли хил ҳаёт даражаси, сифати ва тарзига эга бўлишиларини ифодаловчи тушунча</i>	
<i>Социал гурухлар</i>	<i>Индивидларнинг кичик ассоциациялардан тортиб йирик ташкилотлар ва жамият даражасигача бўлган улкан жабхаларда бир-бирлари билан тизимли тарзда ўзаро</i>	

	<i>хатти-ҳаракатлар ва муносабатларда бўлувчи гурӯҳларини англатувчи тушунча</i>	
<i>Социал институтлар</i>	<i>У ёки бу жамият аъзоларининг катта қисми амалга оширувчи, мавжуд меъёrlар ва қадрияtlар, шунингдек санкциялар ва таъқиқлар, хулқ-автор ва хатти- ҳаракатларнинг услубларини ўзига қамраб олувчи ва шу маънода жамият асосини ташикил этувчи фаолият турларини ифодаловчи тушунча</i>	

## «БББ» техникаси

“БББ” жадвали:

- a) Биламан,
- b) Билишни ҳоҳлайман,
- c) Билиб олдим.

- матн (мавзу, бўйим) бўйича тадқиқот ишлари олиб бориш имконини беради;

-тизимли мулоҳаза қилиш, таркибга ажратиш кўникмаларин ривожлантиради

“БББ” жадвалини тузиш қоидалари билан танишитиради. Якка тартибда (жуфтликда) жадвал тузилади

Кўйидаги саволга жавоб берилади: 1) Ушбу мавзу бўйича сиз нимани биласиз?; 2) Нимани билишни ҳоҳлайсиз? (Кейинги босқич учун тахминий асос)

Якка тартибда (жуфтликда) жадвалнинг 1- ва 2-устуни тўлдирилади

Мустақил равища маъруза матни ўқилади (маъруза эшитилади)

Жадвалнинг 3-устуни мустақил (жуфтликда) тўлдирилади

<i>№</i>	<i>Мағзу саволлари</i>	<i>Биламан</i>	<i>Билишини хоҳламан</i>	<i>Билиб олдим</i>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>
1.	Жамият социум сифатида			
2.	Жамиятнинг ижтимоий структураси			
3.	Ижтимоий жараёнлар трансформацияси			
4.	Ижтимоий институтлар ривожи			
5.	Жамият хаёти соҳалари тушунчаси			

### **«БББ» техникасининг қоидаси**

1. “Инсерт” техникасидан фойдаланилган ҳолда матнни ўқиб чиқинг.
2. Олинган маълумотларни индивидуал соҳаларга ажратинг. Қалам билан қўйилган белгилар асосида «БББ» жадвалини тўлдиринг.

#### **“Инсерт” техникаси қоидаси:**

1. Матнни ўқиб чиқинг.
2. Олинган маълумотларни дикқат билан ўрганиб, соҳаларга ажратинг. Қалам билан ҳар бир қаторга қўйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:
 

*V* – биламан;

+ – янги маълумот;

– – билганларимга зид;

? – мени ўйлантиради

### **«БББ» жадвали**

### **III. НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

#### **1-мавзу: ЗАМОНАВИЙ СОЦИОЛОГИЯДА НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ: ТАРИХИЙЛИК ВА ТИЗИМЛИЛИК**

**Режа:**

- 1. Социологияда парадигмалар алмашинуви*
- 2. Социологияда “Инсон жамияти тарихи” тушунчаси*
- 3. Социум: тузилиши ва динамикаси*

**Таянч иборалар:** *Фанлар таснифи, ижтимоий фанлар, социология, парадигма, инсон, жамият, ижтимоий тузум, инсоният тарихи*

1.1. Маълумки, инсоният тарихида фанлар атроф борликни (инсонни, табиатни, жамиятни, инсон тафаккурини) билиш ва у олинган билимлардан фойдаланиш жараёнида муттасил ривожланиб ва мураккаб тизимлар сифатида такомиллашиб борган. Умуман олганда, объектив, яъни инсон тафаккуридан ташқарида мавжуд бўлган реалликнинг уч асосий соҳаси мавжуд, булар: а) табиат, б) жамият ва с) руҳий ҳодисалар. Шунга мос тарзда фанларни шартли равишда ва нисбий маънода **табиий** (физика, кимё, биология ва ҳ.к.), **ижтимоий** (социология, иқтисод, тарих ва ҳ.к.) ва **гуманитар** (психология, этика, лингвистика ва ҳ.к.) фанларга ажратиш мумкин. XX асрнинг 50 – йилларидан бошлаб, хусусан косманавтиканинг тез ривожланиши, айниқса Юрий Гагариннинг 1961 йилдаги космосга парвозидан бошланган илмий-техник инқилоб, кейинчалик ахборот-коммуникация технологияларининг мисли кўрилмаган ривожи оқибатида XXI аср бошларига келиб фан тараққиёти сифат жиҳатидан мутлақ янги босқичга кўтарилди. Бу улкан ўзгаришлар техника ва технологияларга оид фанларнинг (кибернетика, косманавтика, информатика ва б.) **техник** фанлар даврини бошлаб берди.

Ижтимоий фанлар ҳам ўз навбатида мураккаб тараққиётни босиб ўтган. Социология ижтимоий фанлар ва умуман фанлар тизимида алохида ўринга эга.

Фикримизча, социология ўзининг объектига (ўрганиш соҳасига) ва предметига (ўз соҳасини ўрганиш инструментирийсига) кўра учта муҳим қўламга эга: 1) инсон жамиятини унинг тотал миқёсида ўрганиш; 2) жамиятни маҳсус социологик тадқиқотлар (эмпирика, прогностика ва б.) ёрдамида позитив тадқиқ этиш; 3) жамиятнинг энг асосий “атоми” бўлган инсонни (одам, индивид, шахс), унинг структурасини ва ҳаракатлари тузилмаларини комплекс таҳлил қилиш.

Огюст Конт (1798-1857) ва Спенсер (1820-1903) таълимотида жамият тизим сифатидаги социум эканлиги илк бор ўзининг илмий таҳлилини топган эди. Хусусан, О.Конт ўзининг кўп жилдлик “Позитив фалсафа курси” илмий асарининг 3-жилдида умумий социологиянинг предметини асослашга ҳаракат қилган. Хусусан, структура-функционал ёндашув асосида жамиятнинг тизимлилик хусусияти, унинг асосий параметрлари очиб берилган, умуман жамиятни тизим сифатида англаш ва ўрганиш анъаналарига асос солинган. Контнинг фанлар классификацияси “математика – астрономия – физика – химия – биология – социология” кўринишида бўлган.

Кейинчалик социология классиклари бу фаннинг предметини аниқлаш борасида ўз таърифларини келтирганлар:

I. Г Спенсер талқинига кўра, социологиянинг предмети бўлиб одамлар ўзаро ҳаракатларининг маҳсули сифатидаги социал гурӯҳнинг функциялари хисобланади.

II. Макс Вебер социологияни социал хулқ-атвор ва хатти-ҳаракат мөҳиятини тушуниш билан боғлиқ ҳолда талқин қилган. Унинг фикрича, бундай хулқ-атвор ва хатти-ҳаракат фақат шу вазиятда мавжудки, бунда инсонлар хатти-ҳаракатлари орасида ўзаро руҳий алоқа бўлади, яъни ҳаракат қилаётган индивидлардан бири бошқа ҳаракатдаги индивид хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатининг “субъектив маъносини” (сабабларини) тушунади ва ўз ҳаракатини шу асога қуради (“Тушунувчан социология” ғояси).

III. Г.Зиммел (1858 - 1918) таъкидлайдики, “социология инсонларни уюштириш шакллари ҳақидаги фан.

IV. П.Сорокин (1889 - 1968) ўз навбатида социологияни синфлар, социал ҳодисаларнинг ва улар ўртасидаги муносабатларнинг умумий характеристикалари ҳақидаги фан деб ҳисоблаган.

V. Э. Дюркгейм (1858 - 1917) социологияни аввал “*социал фактлар* (“нарсалар” маъносида) ҳақидаги фан деб талқин қилган бўлса, кейинчалик социология *социал гурӯҳларни* ўрганувчи фан деб тушунтирган (унинг фикрича, социал гуруҳлар аъзолари алоҳида ҳолатда (изоляция шароитида) бир хил тарзда: а) ҳиссиётларни бошдан кечирсалар; б) фикр қилсалар ва в) ҳаракат қилсалар, социал гуруҳлар вазиятида бошқача фаолиятда бўладилар). Шундан келиб чиққан ҳолда у социологияни *социал институтлар, уларнинг келиб чиқшии ва амал қилиши ҳақидаги* фан деб тушунтиради.

VI. Т. Парсонс (1902 - 1979) “социология – социал тизимларни ўрганувчи фандир” деб ҳисоблайди.

VII. Ж. Ландберг (1865 - 1966) социологияни одамларнинг социал хулқатвори ва хатти-аракатлари ҳақидаги фан деб талқин этади.

VIII. Э.Богардус фикрича, “социология социал гуруҳлар ҳақидаги фандир”.

IX. Бир қатор замонавий социологларнинг фикрига кўра эса, социология – турли ижтимоий ҳодисалар турларининг ўртасидаги алоқалар қонуниятлар ҳақидаги умумий социал фандир<sup>1</sup>.

1.2. Жамиятнинг ижтимоий воқелик сифатидаги асосий хусусияти – бу унинг тизимлигидир. Қуйида биз унинг моҳиятини кўриб чиқамиз.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Маркович Д.Ж. Общая социология: Учебник. Изд. 3-е перераб. И доп. / Пер. с сербского. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1998. – С. 41 – 48.

Тизим (қадимги юононча сўстұма "яхлит; қисмлардан ташкил топган") - маълум бир бутунликни, бирликни ташкил этувчи, ўзаро алоқадорликда бўлган қисмлар (элементлар) тўпламини англатувчи тушунчадир<sup>2</sup>.

"Тизим" атамасидан фойдаланиш зарурати мураккаб, моҳиятан бирданига англаш мушқул бўлган, лекин, шу билан бирга яхлит ҳодисаларни таъкидлаш учун ишлатилади. Шу билан бирга, тизим концепцияси шунчаки тўпламни эмас, мураккаб тартиблилик, яхлитлик ва доимий ривожланишни ифодалайди. Бу тушунчанинг чуқур мазмуни, гармонияси ва ўзига хос эстетикаси шундаки, у кўпчилик элементларни яхлитликка уйғунлаштиради (табиатга чуқурроқ назар солишининг ўзи етарлидир.).

Кундалик амалиётда "тизим" сўзи турли маъноларда ишлатилиши мумкин, булар қуйидагилардир<sup>3</sup>:

- *назария* маъносида, масалан, Афлотуннинг фалсафий тизими;
- *фанда таснифлашда*, масалан, Дмитрий Менделеевнинг кимёвий элементларнинг даврий тизими;
- *амалий фаолият услуги сифатида*, масалан, театр санъатида Станиславский тизими;
- *ақлий фаолиятни ташкил этиши усули сифатида*, масалан, математикадаги саноқ тизими;
- *табиат, коинотдаги объектлар мажмуаси*, масалан, Қуёш тизими;
- жамиятнинг баъзи хусусият ва соҳалари*, масалан, социумнинг сиёсий тизими, иқтисодий тизими ва б.

Ижтимоий тизим ва жараёнлар социологияси учун фундаментал аҳамиятга эга бўлган яна бир муҳим жиҳатга тўхталайлик. Гап шундаки, "тизим" тушунчаси жамиятни яхлит социал реаллик сифатида англаш ва уни шу позициядан туриб тадқиқ этишнинг илмий моделига эга бўлиш имконини беради. Бунда ушбу тушунчадан нафақат объектив мавжуд ҳодисаларни

<sup>2</sup>Қаранг: Большой Российской энциклопедический словарь. – М.: БРЭ. – 2003. – С. 1437.

<sup>3</sup> Қаранг: Батоврин В.К. Толковый словарь по системной и программной инженерии. – М.: ДМК Пресс. - 2012. – С.280.

белгилаш учун, балки жамият ҳаётига ва унинг муҳим ҳаётий соҳаларига оид ҳодисаларни ўрганиш ва таҳлил қилишнинг субъектив модели сифатида ҳам қараш зарур.

Юқорида таъкидланган икки жиҳат социал тизимнинг юксак шакли бўлган жамиятга ҳам хосдир. Умуман олганда, тизимлар ҳақидаги фанлар, шунингдек тизимли фанлар – астрономия, физика, биология қаторида социология ҳам (шу ўринда Огюст Контнинг фанлар танифини эслаш ўринлидир) тизим категориясини ўзининг энг муҳим тушунчаси сифатида қабул қиласди. Бунда тизим нафақат ўзаро алоқадорликда ва ҳаракатда бўлган қисмларнинг (компонентларнинг) мажмуаси (комплекси), нафақат бир томондан бир-бирига нисбатан, иккинчи томондан бошқа ташқи тизимлар, яъни табиий муҳит (табиат) билан муносабатда бўлган элементларнинг яхлитлиги деб қабул қилиниши керак. Яна бир муҳим воқелик шуки, тизим ўзаро ҳаракатга киришувчи элементларнинг мажмуаси бўлиши билан бирга, маълум бир мақсадларга эришиш учун ташкил этилган таркибий қисмларнинг ўзига хос тўқимаси (комбинацияси) сифатида фаолиятга дахлдордир. Бу айниқса ақл ва тафаккурга эга бўлган мавжудотлар, яъни инсонлар жамияти (социум) учун айниқса хосдир.

Энди тизимлар назарияси вакиллари (Л. фон Берталанфи, Макс Вебер, Т.Парсонс, Мертон ва б.) қарашларидан келиб чиқкан ҳолда жамият ва бошқа яхлит тизимларни ташкил этувчи ҳамда тизимнинг амал қилиши ва ривожланишига оид энг асосий тушунчаларга тўхталамиз. Булар қўйидагилардир:

### I. Тизим ва унинг тузилишини ифодаловчи тушунчалар:

Элемент – тизимнинг қўйилган мақсад ва белгиланган аниқ вазифалар ижросига эришиш нуқтаи назаридан қисмларга бўлинишининг чегараси.

Компонент (қўйи тизим) - тизимнинг хусусиятларини, хусусан мақсаднинг ҳам бир жиҳатини ўзида акс эттирган, нисбатан мустақил қисми (масалан, жамиятнинг сиёсий тизими).

Алоқа, муносабат – элементлар эркинлиги даражасининг чегараланиши: бунда қисмлар ўз имкониятларига кўра эга бўлган хусусиятлари ва эркинлик

даражаларининг бир қисмини йўқотадилар; шу вақтнинг ўзида тизим яхлитлик сифатида янги хусусиятларга эга бўлади.

Структура (тузилма) – энг муҳим қисмлар ва алоқалар бўлиб, тизимнинг амал қилиши шароитларида кам ўзгаради ва тизим ҳамда унинг асосий хусусиятларининг мавжудлигини таъминлайди. Структура тизимнинг уюшганлигини (ташкиллаштирилганлигини), элементлар ва алоқаларнинг вақт мобайнида барқарорлиги ва тартибланганлигини ифодалайди.

Мақсад – энг мўлжалли интилишлар, фаолиятга ундаш ҳамда якуний натижани назарда тутувчи фаолият.

## II. Тизимнинг амал қилиши ва ривожланишини ифодаловчи тушунчалар:

Холат тизимнинг бир зумлик “фотосурат”, “кесилган” ҳолати; тизимнинг маълум вақт мобайнида параметрлари аҳамиятининг қайд этилиши.

Хатти-ҳаракат – тизимнинг бир ҳолатдан иккинчисига ўтишининг маълум ва номаълум қонуниятлари бўлиб, бу қонуниятлар ҳам ташқи муҳит, ҳам тизимнинг ўзининг мақсадларининг ўзаро ҳаракатлари сифатида намоён бўлади.

Ривожланиши, эволюция - тизимнинг вақт мобайнидаги ўзгариши бўлиб, бунда унинг нафақат ҳолати, балки жисмоний табиати, тузилмаси, хулқ-атвори ва ҳатто мақсади ўзгариши мумкин.

Хаётий даврийлик (цикл) - тизимнинг ривожланиш жараёнининг босқичлари бўлиб, бунда цикл тизимга эҳтиёж пайдо бўлган пайтдан бошлаб то унинг йўқ бўлиб кетишигача бўлган даврни ўз ичига олади.

1.3. Жамият ижтимоий тизимнинг мураккаб шакли эканлигини таъкидладик. Лекин, уни муракаб ижтимоий тизим сифатида ифодалайдиган энг муҳим умумтизими хусусиятларини аниқлаш зарур. Кўпчилик мутахассислар фикрича, улар қўйидагилардан иборат:

**1) Интегративлик.** Жамиятнинг бу хусусияти унинг ўз чегараларидагина яхлитлик касб этишини англатади. Бунда тизим таркибида бўлган элементларнинг ўзаро алоқаларнинг кучи ва аҳамияти мазкур тизимга нисбатан ташқи бўлган тизим ва муҳитдаги элементлар алоқадорлигидан юқори бўлиши

зарур. Шу ҳолатда тизимясовчи ва тизимсақловчи омиллар мавжуд бўлади ва улар интегратив дейилади<sup>4</sup>.

**2) Синергиклик, тизимлилик эфекти, яхлитлик.** Бу тизимда унинг элементларига хос бўлмаган хусусиятларнинг пайдо бўлганлигини англатади. Бошқача айтганда, бу тизим хусусиятларининг уни ташкил этувчи таркибий қисмлар йиғиндисига қатъиян teng эмаслигини англатади. Бунда тизимнинг имкониятлари уни ташкил этувчи қисмлар имкониятлари йиғиндисидан устундир, яъни тизимнинг умумий самарадорлиги ёки ишлаши элементларнинг оддий йиғиндисидан афзалдир<sup>5</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда қўйидаги хуносага келиш мумкин:  
Тизим – биргаликда хатти-ҳаракат ва мазмун ҳосил қиласидан, лекин алоҳида тарзда бунга қодир бўлмаган элементларнинг (қисмларнинг) композициясидир<sup>6</sup>.

**3) Иерархиялилик (кўппогоналилик).** Бунда тизимнинг ҳар бир элементини ўз навбатида тизим деб ҳисоблаш мумкин; тизимнинг ўзи ҳам у ёки бу суперсистеманинг элементи сифатида қаралиши мумкин. Юқори даражадаги иерархик даража қўйи поғонага таъсир қиласидан аксинча: иерархиянинг бўйсунувчи аъзолари ўзларида мавжуд бўлмаган янги хусусиятларга эга бўладилар (бутуннинг элементларга таъсири). Бу хусусиятларнинг пайдо бўлиши натижасида янги, бошқача “бутуннинг кўриниши” ҳосил бўлади (элементлар хоссаларининг бутунга таъсири)<sup>7</sup>.

### **Назорат саволлари:**

1. Социология назарияси ва тарихидаги асосий парадигмаларни келтиринг
2. Жамиятнинг ижтимоий тизим сифатидаги умумструктуравий хусусиятларини санаб беринг
3. Социум деганда нимани тушунасиз?

---

<sup>4</sup> Қаранг: ўша жойда

<sup>5</sup> Қаранг: ўша жойда

<sup>6</sup> Қаранг: ўша жойда

<sup>7</sup> Қаранг: ўша жойда

**Адабиётлар:**

1. Бабосов Е.М. Современный социум: характер и направленность развития / Е.М.Бабосов, Ч.С.Кирвель, О.А.Романов. – Минск: издательство «четыре четверти», 2013. – 728 с.
2. Гидденс Энтони. Социология. – М.: Эдиториал УРСС, 1999. – 704 с.
3. Харари Ю.Н. Sapiens. Краткая история человечества / Юваль Ной Харари; [пер. с англ. Л.Сумм]. – М.: Синдбад, 2020. – 512 с.
4. Штомпка П. Социология. Анализ современного общества: Пер. с польск. С. М. Червонной. – М.: Логос, 2005. – 664 с.

## **2-мавзу: ЗАМОНАВИЙ СОЦИОЛОГИК НАЗАРИЯЛАРДАГИ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР: СОЦИУМ, СОЦИАЛ СТРУКТУРА, СОЦИАЛ ХАРАКАТ, СОЦИАЛ АЛОҚАЛАР (Э.ГИДДЕНС ТАЛҚИНИ)**

Режа:

1. Социал структура ва унинг таркибий элементлари (социал институтлар, ҳокимият структураси ва б.)
2. Социал ҳаракат ва унинг асосий шакллари (урбанизация, социал мобиллик, социал ҳаракатлар (революциялар), социал ўзгаришилар, глобализация)
3. Социал алоқалар (шахс ва социализация, маданият ва жамият, социал ўзаро ҳаракатлар ва кундалик ҳаёт, конформлик ва девиантлик, гендер ва оила) социологиянинг муҳим тушунчаси сифатида
4. Конфликт ва консенсус жамият мавжудлигининг реаллиги сифатида

**Таянч иборалар:**

*Социал структура, элемент, урбанизация, социал мобиллик, миграция, инқиlob, ислоҳот, глобализация, ижтимоийлашув, маданият, гендер, кундалик ҳаёт, конфликт, консенсус*

**2.1.** Тизимлар назарияси ва тизим таҳлили бўйича деярли ҳар концепцияда тизимларни таснифлаш масаласини назарда тутади, мураккаб тизимларни таснифлашда хилма-хил қарашлар қузатилади. Кўпгина таснифлар асосан ўрганилаётган вазифалар нуқтаи назаридан муҳим бўлган баъзи бир тизим турларини шунчаки санаб ўтишга аҳамият қаратади, бунда тизимларни ажратиш белгиларини (асосларини) танлаш тамойиллари ва таснифнинг тўлиқлиги тўғрисида саволлар қўйилмайди.

Жамиятни ижтимоий тизим сифатида қарар эканмиз, уни бир томондан бошқа тизимларга қиёсан ва бошқа томондан унинг ички кичик тизимлари нуқтаи назаридан қиёслашга эътибор қаратишимиш лозим.

Таснифлаш предмет ва тушунчалар (категориал) тамойиллар бўйича амалга оширилади.

Таснифлашнинг предмет принципи ўрганилаётган обьект турини (техник, биологик ва б.) ҳисобга олган ҳолда табиат ва жамиятда мавжуд бўлган аниқ тизимларнинг асосий турларини аниқлашдан иборат.

Категорик таснифга кўра тизимлар, моддий жиҳатдан қандай бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай тизимларга хос бўлган умумий хусусиятларга кўра бўлинадилар<sup>8</sup> ва бунда энг кўп тарзда қуйидаги категорик хусусиятлар ҳисобга олинади:

-миқдорий жиҳатдан тизимларнинг барча таркибий қисмларини монокомпонентлар (битта элемент, битта муносабат) ва поликомпонентлар (кўплаб хусусиятлар, кўплаб элементлар, кўплаб муносабатлар) сифатида тавсифлаш мумкин;

-статик тизим шу билан белгиланадики, у нисбатан тинч ҳолатда бўлиши мумкин, бунда унинг ҳолати вақт ўтиши мобайнида доимий бўлиб туриши мумкин. *Динамик* тизим ўз ҳолатини вақт мобайнида ўзгартиради;

-очиқ тизимлар атроф-муҳит билан модда, энергия ёки ахборот алмашинади. Агар тизимга ҳеч қандай материя, энергия ёки ахборот кирмаса ҳамда чиқмаса, у ёпиқ ҳисобланади;

-детерминациялашган тизимларнинг хатти-ҳаракатлари уларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларга асосида олдиндан тушунарли бўлади ва олдиндан айтиб берилиши мумкин. Эҳтимолли тизимининг хатти-ҳаракатлари ушбу маълумотлар билан тўлиқ белгиланмайди, шу туфайли тизимнинг у ёки бу ҳолатга ўтиш эҳтимоли ҳақидагина сўз юритиш мумкин;

---

<sup>8</sup> Қаранг:

-*гомоген* (бир турдаги) тизимларда (масалан, маълум бир турдаги организмлар популяциясида) элементлар бир турда бўлади, шунинг учун улар бир-бирининг ўрнини боса олади. *Гетероген* (аралаш) тизимлар ўзаро бир-бирининг ўрнини боса олиш хусусиятларига эга бўлмаган турли элементлардан иборатdir;

-*дискрет* тизимлар аниқ ажратилган (мантикий ёки жисмоний жиҳатдан) элементлардан ташкил топган деб қаралади; узлуксиз тизимлар қонуниятлар ва жараёнлар нуқтаи назаридан қаралади. Аммо ушбу тушунчалар нисбийдир: маълум бир тизим бир нуқтаи назардан дискрет, бошқасига кўра эса – узлуксиз бўлиши мумкин (элементар заррачалар ва нурнинг корпускуляр-тўлқин дуализми бунга мисол бўла олади).

-келиб чиқишига кўра *сунъий, табиий* ва *аралаш* тизимлар фарқланади.

-ташкил бўлиши даражасига кўра *яхши ташкил* этилган; ёмон *ташкил этилган* (*тарқоқ*) ва *ривожланаётган* (*ўзини-ўзи ташкил этувчи*) тизимлар ажратилади;

-тизимларни *содда* ва *мураккаб* тизимларга ажратишда турли ёндашувлар кузатилади. Аммо кўпинча тизимнинг мураккаблигига элементларнинг кўп сонлиги, уларни боғлашнинг турли шаклларга эгалиги, мақсадларнинг кўплиги, элементлар табиатининг хилма-хиллиги, таркиби ва тузилишининг ўзгарувчанлиги ва ҳ.к. сабаб бўлади<sup>9</sup>.

-моддийлик нуқтаи назаридан тизимлар ҳам жисмоний, ҳам *концептуал* (*функционал*) бўлиши ёки ҳар иккаласининг жамланмаси (комбинацияси) бўлиши мумкин. Жисмоний тизимлар материя ва энергиядан ташкил топган бўлиб, улар ўз ичига ахборотни олиши ва маълум бир хатти-ҳаракатларни ҳам олиши мумкин. Концептуал тизимлар мавхум мазмунга эга бўлиб, соф маълумотлардан иборат ва хулқ-атвordan кўра маънони намойиш этади<sup>10</sup>.

---

<sup>9</sup> Қаранг:

<sup>10</sup> Қаранг:

2.2. “Социал” тушунчаси (лот. *socialis* - ижтимоий) кенг ва тор маънода ишлатилади.

Кенг маънода “социал” тушунчаси “ижтимоий” деган маънони англатади, яъни унинг табиат ва бошқа тизимларга эмас, балк жамиятга тегишли эканлигини. Шу маънода “социал” тушунчаси социология ва бошқа ижтимоий фанларда қўлланилади.

Тор маънода “ижтимоий” тушунчаси жамият ҳаётининг бошқа соҳалари - иқтисодий, сиёсий, хуқуқий ва маънавий соҳаларида эмас, балки социал соҳада юз берувчи ижтимоий жараёнларни тавсифлаш учун ишлатилади.

Турли хил ижтимоий ўзгаришларнинг чамбарчас боғлиқлиги “ижтимоий жараёнлар” тушунчасида акс этади, бу ижтимоий ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлиги ва узлуксизлигини назарда тутади. Ижтимоий воyleикнинг жараёнли (процессуаллиги) эканлигига эътиборни қаратиш замонавий социологиянинг муҳим тенденцияларидан биридир. Жамият балки дискрет ижтимоий ўзгаришларни бошидан кечираётган барқарор ҳолатдаги реаллик сифатида эмас, балки жараён, яъни ўзаро таъсирлар майдони сифатида қаралади. П. Штомпка бу ҳақда шундай таъкидлайди: “Онтологик жиҳатдан шунчаки жамият мавжуд эмас ва у ўзгармас ҳолатда мавжуд бўла олмайди. Бутун бир социал реаллик динамикани назарда тутади”.

**Ижтимоий жараёнлар** - бу жамиятдаги турли ижтимоий гурухларнинг маълум бир манфаатларини қондириш мақсадида социумда вужудга келган шароитларга таъсир кўрсатишга интилишларидан келиб чиқадиган ўзгаришлардир.

Машхур рус олими П. Сорокин ижтимоий жараённинг классик таърифини берган: «Жараён деганда ҳар қандай ҳаракат, модификация, трансформация, навбатма-навбат ўрин алмасинишлар ёки “эволюция”,

қисқача қилиб айтганда ўрганилаётган объектнинг маълум вақт давомида, унинг макондаги ҳаракати ёки микдорий ва сифат хусусиятларидаги ўзгариши бўлсин ҳар қандай ўзгарлар тушунилади»<sup>11</sup>.

Ижтимоий жараёнлар ижтимоий гурухларнинг жамият ҳаётининг турли соҳалардаги манфаатларининг қондирилиши, шунингдек ижтимоий жараёнларидаги иштирокига боғлиқ тарзда қуидаги турларга бўлинади:

- ижтимоий-иктисодий жараёнлар;
- ижтимоий-сиёсий жараёнлар;
- ижтимоий-сиёсий жараёнлар;
- демографик жараёнлар;
- комбинациялашган жараёнлар ва б.

*Ижтимоий-иктисодий жараёнлар* - бу моҳиятан ижтимоий субъектларнинг иктисодий тенгизлиги натижасида келиб чиқсан ижтимоий жараёнлардир. Ижтимоий-иктисодий жараёнлар кишиларнинг кундалик ҳаёти муаммоларига боғлиқлиги туфайли алоҳида аҳамиятга эга. Улар ҳаётни таъминлаш, иш билан таъминлаш, иш ҳақи, ижтимоий кафолатлар каби жараёнларига бўлинади. Хусусан, ҳаётни қўллаб-қувватлаш озиқ-овқат, кийим-кечак, поябзal; уй-жой коммунал хизматлари; уй ва маданий буюмлар билан таъминлаш; тиббий, юридик хизматлар; таълим; қонун ва тартибни таъминлаш; транспорт ва алоқа хизматлари; дам олиш ва бўш вақтни таъминлаш шулар жумласидандир.

Иш билан таъминлаш, иш ҳақи ва пенсиялар одатда кўпчиликка маълум тушунчалардир. Ижтимоий кафолатлар - бу аҳолининг ижтимоий ҳимояланган гурухларига: ёлғиз оналар, ногиронлар, қариялар ва

---

<sup>11</sup> Қаранг:

бошқаларга бюджет ва бюджетдан ташқари тўловларни назарда тутадиган шартли тушунча ҳисобланади.

*Ижтимоий-сиёсий жараёнлар* - бу турли ижтимоий субъектларнинг сиёсий имкониятларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, уларнинг сиёсий мақомининг ўзгариши билан божараёнлардир.

*Демографик жараёнлар* - бу маълум бир худуддаги аҳолининг кўпайиши ҳамда халқлар, миллатлар, этник групкалар ҳолатининг ўзгаришидир. Бугунги глобаллашув жараёнлари дунёда, давлатларда, минтақаларда миграция жараёнларининг кенг жабҳаларда намоён бўлишига олиб келди. Шуни таъкидлаш зарурки, социал групкаларнинг ҳаракатлари демографик мазмундаги жараёнларга таъсир қилганда, улар социологиянинг тадқиқот мавзусига айланади.

*Комбинациялашган жараёнлар* - бу ижтимоий-иктисодий ва сиёсий жараёнларнинг хусусиятларини бирлаштирган жараёнлардир. Комбинацияланган ижтимоий-иктисодий ва сиёсий муносабатлар (ИИСМ) сирасига гендер жараёнларни киритиш мумкин.

*Гендер жараёнлари* одамларнинг ёши ва жинси хусусиятларидан келиб чиқадиган жараёнларга хос бўлиб, бир томондан, уларнинг демографик хусусиятлари билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан иктисодий ва сиёсий муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари билан ҳам кўп томонлама муносабатлар билан белгиланади.

2.3. Жамиятдаги социал алоқалар кўп маънода ундағи интеграция дифференциация жараёнлари билан белгиланади. Жамият ҳаётида ижтимоий интеграция ва дифференциация тушунчалари яхлитлик ва хусусийлик мазмунида бўлиб, интеграция жараёнлари кенгрок миқёсга эгалиги туфайли, аввало ижтимоий дифференция ҳодисасидан бошлиш мақсадга мувофиқ.

**Ижтимоий дифференциация** тушунчаси социумнинг бирига нисбатан турли хил ижтимоий ҳолатда бўлган гуруҳларга бўлинишини англатади. Ҳар қандай жамиятга хос бщлган ижтимоий дифференциация социал гуруҳларнинг ўз ижтимоий мақоми ва ҳолатига мос тарзда тузилмани англатади. Айниқса, жамиятнинг ижтимоий стратификациясида буни яққол кўришимиз мумкин.

Маълумки, замонавий жамиятларда стратификация жараёнлари янги ижтимоий қатламларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг силжувчанлиги (мобиллиги) билан ифодаланади. Умумий маънода эса стратификация жараёнларини тадқиқ этиш жамиятдаги қатламларнинг қай даражада шаклланганлиги, бу қатламлардаги ички ва ташқи мобиллик, яъни бир қатламдан бошқа қатламга ўсиб ўтиши, ёки аксинча, пастроқ қатламга тушиб қолиши сингари ижтимоий жараёнларнинг ҳолатини диагностика қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга, стратификация жараёнларининг ижтимоий мобиллик, умуман ижтимоий ҳаракатлар билан боғлиқ жихатларини тадқиқ этиш жамиятдаги ҳаракатчан қатламларнинг ҳолатларини билиб олиш имконини беради. Шунингдек, ўз навбатида, стратификация жараёнлари динамикасини ўрганиш орқали жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг тизимли мазмuni ва кўламига нисбатан аниқ ташхис қўйиш мумкин. Шундан келиб чиқсан ҳолда, мазкур бобда социал стратификация ҳодисаси, шунингдек, ижтимоий стратификация тизимлари, уларнинг белгилари ва динамикаси, стратификация жараёнларининг жамият ҳаётида акс этиши таҳлил этилган.

Стратификация лотинча “stratum” сўзидан олинган бўлиб, “страта” (“қатлам”) тушунчаси билан ифодаланади. Ижтимоий тузилмасига (структурасига) кўра анъанавий бўлган жамиятларда ижтимоий гуруҳлар горизонтал жойлашади; табақалашган (страталашган) жамиятларда эса, бундан фарқли ўлароқ, муносабатларнинг вертикал йўналиш бўйича амалга ошиши кузатилади. Таққослаш ўрнида шуни келтириб ўтиш жоизки, табиий шароитда ер қобигининг геологик страталари бир-бирига нисбатан устма-уст жойлашган бўлиб, таг қисмидаги қатлам устки қатламнинг таъсири (босими) остида бўлади, қатламларнинг ўзаро чегаралари эса деярли ўзгармас бўлиб, биридан иккинчисига,

айниқса пастки қатламлардан юқорисига ўтиши кузатилмайди. Жамиятда эса, бундан фарқли равища, турли ижтимоий қатламлар, гурухлар ички ва ўзаро тарзда ҳаракатчан бўлиб, уларнинг жамият ижтимоий иерархиясидаги (погоналаридағи) жойлашуви ва ўрни, яъни ижтимоий статуси тез-тез ўзгариб туради. Бинобарин, жамият ҳаётидаги мавжуд ижтимоий стратификация жараёнларини табиий ҳодисаларга, хусусан ернинг тузилишидаги геологик қатламларга нисбатан қиёслаш фақат шартли равища амалга оширилиши мумкин, холос.

Умумий маънода, социал стратификация жамиятнинг турли табақа, қатлам, погоналарга бўлиниб кетиши жараёнларини англатади. Ушбу тушунчага асосланган назариялар ижтимоий табақаланиш жараёнларининг моҳиятини очиб беришга хизмат қиласди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, социал стратификация жараёнларини таҳлил қилган ҳар бир социолог муқаррар равища ижтимоий табақаланишдан сўнг ижтимоий тенгсизлик муаммосини ҳам ҳал қилишга уринади. Хусусан, Дюргейм анъаналарига хос бўлган функционализм таълимоти ижтимоий тенгсизликни меҳнат тақсимотидан келтириб чиқарди; унга кўра, меҳнат тақсимотининг механик ва органик шакллари мавжуд бўлиб, биринчисига одамлар орасидаги жисмоний, жинсий ва ёшга оид фарқлар, иккинчисига маълумот олиш, касб эгаллаш жараёнида вужудга келадиган тафовутлар хосдир.

Ҳар қандай жамиятни бир қанча мезонлар асосида турли ижтимоий табақаларга бўлиш мумкин. Шунга мос тарзда ҳар бир даврда муайян ижтимоий тенгсизлик турлари мавжуд бўлади ва қайта тикланиб туради. Шу маънода ижтимоий табақаланишнинг ҳарактери ҳамда унинг қарор топиш усули жамиятнинг стратификацион тизими деб юритилади. Диссертацияда мавзуга оид адабиётлар таҳлили натижасида таъкидланадики, инсоният тарихига нисбатан стратификация тизимларининг қўйидаги асосий келтирилади: а) каста тизими; б) қулдорлик; с) синфий тизим. Буларнинг айримлари тарихда қолиб кетган, баъзилари ҳозирги замонда ҳам кузатилади.

Социал стратификация жараёнлари ҳодисасига қайтадиган бўлсак, шуниси аниқки, у ҳар қандай жамиятга муайян даражада хос бўлиб, социал маконнинг кўп

ўлчамли ва иерархик тарзда ташкил топишини ифода этади. Ижтимоий муносабатларнинг серқирра ва мураккаб тизимида ҳар бир ижтимоий гурух, қатlam ва табақа маълум бир ўринни эгаллайди, бошқа социал субъектлар билан турли муносабатларга киришади. Бир ижтимоий гурух бошқасидан ўз мол-мулки, даромади, шунингдек, сиёсий хокимиятга яқинлиги, умумий маънода ижтимоий нуфузига кўра устун ёки қуий даражада туради. Шу маънода социал қатlam (страта) шартли гурух бўлиб, унинг социал статуси (мақоми), бошқа гурухга қарам бўлиши ёки унга ўз хукмини ўтказа олиши маълум бир ижтимоий давр ва макон чегарасида амал қиласи.

Хозирги давр стратификация жараёнлари ижтимоий тенгсизлик, бир гурухнинг бошқасига нисбатан юқори ёки қуий жойлашиши, айни пайтда бир гурухдан бошқасига ўтиши, яъни социал мобиллик жараёнлари асносида намоён бўлмоқда. Демократик, хукуқий давлатларда барча фуқаролар, ижтимоий статуси ва келиб чиқишидан қатъий назар, юридик жиҳатдан тенг хукуқлидирлар. Бироқ реал ҳаётда, том маънода барча социал гуруҳлар тенг бўла олмайдилар. Кўпчилик социологлар фикрича, айнан тенгсизлик ҳаракатга келиш, ривожланиш учун рағбат (стимул) бўлиб хизмат қиласи. Айтиш мумкинки, инсоният жамиятининг барча босқичлари учун одамларнинг ва ижтимоий қатламларнинг ўзаро тенгсизлиги хосдир.

Турли даврлар мутафаккирлари ижтимоий тенгсизликнинг сабабларини ахтариб, уни бартараф этиш режаларини тузишгани тарихдан маълум. Тенгсизлик бир табақанинг бошқасидан устунлигига сабаб бўлиши, бир синфнинг бошқаси устидан хукмонлик ўрнатиши, ҳатто турли табақалар ўртасидаги зиддиятларни келтириб чиқариши билан бирга, рақобатни ҳам туғдиради, бу эса ижтимоий мавқеи жиҳатидан юқорироқ синфга ўтиш учун ҳаракат қилишга рағбат уйғотади. Масаланинг фалсафий томонини эмас, социологик жиҳатини тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, жамият индивидларнинг фаолиятини, интилишини рағбатлантириш, ижтимоий (иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий) юксалишга эришишлари учун ўз аъзоларининг фаоллигини оширишга табиий эҳтиёж сезади. Бунинг учун айрим касб-кор ва фаолият йўналишларига турли имтиёз ва мукофотлар берилади. Социал

стратификация ҳодисаси ва жараёнлари шу каби ижтимоий эҳтиёжлардан келиб чиқади.

**Ижтимоий интеграция** – социумдаги ижтимоий тизимларнинг ўзаро ҳамкорликка йўналган яқинлашиш жараёнлариdir. Бунда нисбатан мустақил бўлган социал субъектлар (индивидулар, социал групкалар) ўртасида зарур алоқалар ўрнатилиши жараёнлари барқарор тус олади.

2.4. Тизимларга нисбатан олдинги мавзулар доирасида келтирилган таснифлаш (классификация) жамиятнинг тизим сифатига хос хусусиятларида ҳам, унинг бир томондан бошқа тизимлар орасидаги (хусусан, супертизимлар) ўрнига, бошқа томондан унинг ўз ички элементлари ўртасидаги алоқадорликларда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Гап шундаки, ижтимоий тизим (социум) ҳал этилиши керак бўлган муаммоларнинг хилма-хиллигидан кўра, бундай хилма-хилликни яратишга қодир бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, жамият тизим сифатида келиб чиқиши мумкин бўлган бузилишларга жавобан ўз ҳолатини ўзгартира олиши керак. Зоро, турли хил бузилишлар мумкин бўлган ҳолатларнинг мос келадиган хилма-хиллигини талаб қиласди. Акс ҳолда, бундай тизим ташқи муҳит томонидан илгари сурилган бошқарув вазифаларини бажара олмайди ва самарасиз бўлади. Турли-туманикнинг йўқлиги ушбу тизимни ташкил этувчи қуи тизимларнинг яхлитлигининг бузганлигини кўрсатиши мумкин.

Ижтимоий жараёнлар ижтимоий групкаларнинг жамият ҳаётининг турли соҳалардаги манфаатларининг қондирилиши, шунингдек ижтимоий жараёнларидағи иштирокига боғлиқ тарзда қуийидаги турларга бўлинади:

- ижтимоий-иктисодий жараёнлар;
- ижтимоий-сиёсий жараёнлар;
- ижтимоий-сиёсий жараёнлар;
- демографик жараёнлар;
- комбинациялашган жараёнлар ва б.

*Ижтимоий-иқтисодий жараёнлар* - бу моҳиятан ижтимоий субъектларнинг иқтисодий тенгсизлиги натижасида келиб чиқсан ижтимоий жараёнлардир. Ижтимоий-иқтисодий жараёнлар кишиларнинг кундалик ҳаёти муаммоларига боғлиқлиги туфайли алоҳида аҳамиятга эга. Улар ҳаётни таъминлаш, иш билан таъминлаш, иш ҳақи, ижтимоий кафолатлар каби жараёнларига бўлинади. Хусусан, ҳаётни қўллаб-куватлаш озиқ-овқат, кийим-кечак, поябзал; уй-жой коммунал хизматлари; уй ва маданий буюмлар билан таъминлаш; тиббий, юридик хизматлар; таълим; қонун ва тартибни таъминлаш; транспорт ва алоқа хизматлари; дам олиш ва бўш вақтни таъминлаш шулар жумласидандир.

Иш билан таъминлаш, иш ҳақи ва пенсиялар одатда кўпчиликка маълум тушунчалардир. Ижтимоий кафолатлар - бу аҳолининг ижтимоий ҳимояланган гуруҳларига: ёлғиз оналар, ногиронлар, қариялар ва бошқаларга бюджет ва бюджетдан ташқари тўловларни назарда тутадиган шартли тушунча ҳисобланади.

*Ижтимоий-сиёсий жараёнлар* - бу турли ижтимоий субъектларнинг сиёсий имкониятларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, уларнинг сиёсий мақомининг ўзгариши билан божараёнлардир.

*Демографик жараёнлар* - бу маълум бир худуддаги аҳолининг кўпайиши ҳамда халқлар, миллатлар, этник гуруҳлар ҳолатининг ўзгаришидир. Бугунги глобаллашув жараёнлари дунёда, давлатларда, минтақаларда миграция жараёнларининг кенг жабҳаларда намоён бўлишига олиб келди. Шуни таъкидлаш зарурки, социал гурухларнинг ҳаракатлари демографик мазмундаги жараёнларга таъсир қилганда, улар социологиянинг тадқиқот мавзусига айланади.

*Комбинациялашган жараёнлар* - бу ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг хусусиятларини бирлаштирган жараёнлардир.

Комбинацияланган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар (ИИСМ) сирасига гендер жараёнларни киритиш мумкин.

*Гендер жараёнлари одамларнинг ёши ва жинси хусусиятларидан келиб чиқадиган жараёнларга хос бўлиб, бир томондан, уларнинг демографик хусусиятлари билан боғлик бўлса, бошқа томондан иқтисодий ва сиёсий муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари билан ҳам қўп томонлама муносабатлар билан белгиланади.*

### **Назорат саволлари:**

1. *Социал структура таҳлили қандай услугга асосланади?*
2. *Социал ҳаракат ҳақидаги асосий кноцепцияларни келтириңг*
3. *Социал алоқалар ва уларнинг турлари ҳақида нимани биласиз?*
4. *Конфликт ва консенсус: қиёсий таҳлилини келтириңг*

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бабосов Е.М. Современный социум: характер и направленность развития / Е.М.Бабосов, Ч.С.Кирвель, О.А.Романов. – Минск: издательство «четыре четверти», 2013. – 728 с.
2. Гидденс Энтони. Социология. – М.: Эдиториал УРСС, 1999. – 704 с.
3. Харари Ю.Н. Sapiens. Краткая история человечества / Юваль Ной Харари; [пер. с англ. Л.Сумм]. – М.: Синдбад, 2020. – 512 с.
4. Штомпка П. Социология. Анализ современного общества: Пер. с польск. С. М. Червонной. – М.: Логос, 2005. – 664 с.

### **Интернет ресурслари**

1. [www.lib.socio.msu.ru](http://www.lib.socio.msu.ru)
2. <http://www.socioline.ru>
3. <http://www.socio.rin.ru>

4. <http://www.sociologos.narod.ru>

### **3-мавзу: ЖАМИЯТ СОЦИОЛОГИЯ ПРЕДМЕТИ СИФАТИДА (СОЦИОЛОГИЯДА ЖАМИЯТ ТАҲЛИЛИ) (П.ШТОМПКА ТАҚИНИ)**

*Режса:*

- 1. Инсон фаоллиги социал контекст сифатида*
- 2. Социал бирликлар*
- 3. Маданият, қадриялар, глобализация, ижтимоий фикр жамият ҳаётининг детерминантлари сифатида*
- 4. Социал стратификация Э.Гидденс ва П.Штомпка талқинида: қиёсий таҳлил*
- 5. Жамият функционаллиги (социализация, социал назорат ва институционализация)*
- 6. Социал ўзгаришилар (социал вақт, социал инқилоб, глобализация)*

**Таянч иборалар:** *Инсон фаоллиги, ижтимоий фаолият, социал хулқ-автор, социал хатти-ҳаракат, социал алоқалар, конфликт, консенсус*

**3.1.** Жамият доимий ўзгаришлар гирдобидаги тирик социал борлиқдир. Унинг ушбу социал табиати ижтимоий тизим ўзгаришларининг аниқ траекториялари мавжуд эмаслигини келтириб чиқаради.

Социалликнинг энг кичик заррачаси, “атоми” бўлган индивид ҳаракатларидан бошлаб ижтимоийлашув жараёнлари ижтимоий муносабатлар мураккаблашгани сари институционаллашув жараёнлари билан бойиб боради. Буни “шахслараро муносабатлар - ижтимоий ҳаракатлар” кўринишида олиб қараш мумкин.

Жамиятнинг ўзгарувчанлик моҳияти унинг барқарорликка щтиши ва унда институционаллашувнинг аҳамиятини инкор этмайди. Бунда институционаллашув икки муҳим функцияни бажаради: а) жамиятдаги чексиз кўпқиррали инсонлараро алоқалар, шахслараро муносабатлар ва гурӯхлараро ҳаракатлар жараёнларини интеграциялади; б) жамиятдаги муносабатлар кўламини стабиллаштиради.

Ижтимоий алоқаларда шахслараро ўзаро таъсир. Шахснинг ижтимоий гурухлардаги иштироки: ижтимоийлашув жараёни. “Ижтимоийлашув – интеграция – институционаллашув” триадаси жамият ҳаётининг социаллик кўрсаткичи сифатида.

Жамият доимий ўзгаришлар гирдобидаги тирик социал борлиқдир. Унинг ушбу социал табиати ижтимоий тизим ўзгаришларининг аниқ траекториялари мавжуд эмаслигини келтириб чиқаради.

Социалликнинг энг кичик заррачаси, “атоми” бўлган индивид ҳаракатларидан бошлаб ижтимоийлашув жараёнлари ижтимоий муносабатлар мураккаблашгани сари институционаллашув жараёнлари билан бойиб боради. Буни “шахслараро муносабатлар - ижтимоий ҳаракатлар” кўринишида олиб қарап мумкин.

Жамиятнинг ўзгарувчанлик моҳияти унинг барқарорликка щтиши ва унда институционаллашувнинг аҳамиятини инкор этмайди. Бунда институционаллашув икки муҳим функцияни бажаради: а) жамиятдаги чексиз кўпқиррали инсонлараро алоқалар, шахслараро муносабатлар ва гурухлараро ҳаракатлар жараёнларини интеграциялади; б) жамиятдаги муносабатлар кўламини стабиллаштиради.

3.2. Жамият ҳаётида нисбатан ўзгармас статик жараёнлар билан бирга кўпқиррали жўшқин динамик жараёнлар алмашиниб туради ва жамият ҳаётига тизимли таъсир доирасини белгилайди. Жамият барқарорлиги ва бекарорлиги кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Шу билан бирга жамият ҳаётини барқарорлаштирувчи омилларга ижтимоий эҳтиёж доимо юқори бўлади.

Жамият барқарорлигини таъминлашда ижтимоий-иктисодий жараёнлар алоҳида ўрин тутади.

Меҳнат ва иқтисодий фаолиятнинг оммавий соҳаси бўлган иқтисодиётда икки хил жараёнлар доимий равишда юз беради, улар табиатига кўра табиий ва ижтимоий турларга бўлинади. *Табиий жараёнлар* инсон томонидан унинг ўзаро таъсири ёки табиат билан алоқаси пайтида моддий ёки интеллектуал маҳсулотларни яратиш учун меҳнат воситалари ёрдамида амалга оширилади.

*Ижтимоий жараёнлар* ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган одамлар ўртасидаги муносабатларни тавсифлайди. Иккала жараён ҳам яқин ҳамкорликда амалга оширилади. Бундан ташқари, улар тартибга солиш (режалали, бозор, аралаш) воситалари орқали воситаланадилар. Натижада, маълум бир бошқарув даражасида унинг параметрлари ўзгариши динамикасини тавсифловчи ижтимоий-иқтисодий тизимни яратиш ва ишлаш жараёнлари мажмуи сифатида белгиланган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар шаклланади.

Ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тасниф асосида ётадиган мезонга қараб турлари ва турлари бўйича таснифланади:

-бошқариладиганлик даражасига кўра – стихияли ва бошқариладиган жараёнлар;

-тарқалиш йўналиши бўйича - ташқи ва ички иқтисодий жараёнлар; улар доирасида халқаро интеграция, кооперация, ҳамкорлик ва б. жараёнлари ривожланиши мумкин;

-жамият ҳаётига таъсир кўлами бўйича - макроиқтисодий, минтақавий, маҳаллий, микроиқтисодий жараёнлар;

-функционал намоён бўлиш тузилиши бўйича - ишлаб чиқариш, меҳнат, ташкилий, технологик, ахборот жараёнлари.

3.3. Иқтисодий ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасидаги муносабатларнинг барқарорлиги нуқтаи назаридан барқарор ва бекарор ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳақида гапириш мумкин. Биринчиси, *ижтимоий-иқтисодий тизимнинг барқарорлиги* ва фуқароларнинг хулқ-атвори, иқтисодий қарорларни қабул қилиш механизmlари ривожланганлиги билан ажralиб туради. Иккинчиси одатда *инқироз* пайтида ижтимоий-иқтисодий вазиятни ўзгартириш зарурати намойиши сифатида пайдо бўлади.

Жамият ҳаётида ижтимоий интеграция ва дифференциация тушунчалари яхлитлик ва хусусийлик мазмунида бўлиб, интеграция жараёнлари кенгроқ миқёсга эгалиги туфайли, аввало ижтимоий дифференция ҳодисасидан бошлаш мақсадга мувофиқ.

**Ижтимоий дифференциация** тушунчаси социумнинг бирига нисбатан турли хил ижтимоий ҳолатда бўлган гуруҳларга бўлинишини англатади. Ҳар қандай жамиятга хос бўлган ижтимоий дифференциация социал гуруҳларнинг ўз ижтимоий мақоми ва ҳолатига мос тарзда тузилмани англатади. Айниқса, жамиятнинг ижтимоий стратификациясида буни яққол кўришимиз мумкин.

Маълумки, замонавий жамиятларда стратификация жараёнлари янги ижтимоий қатламларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг силжувчанлиги (мобиллиги) билан ифодаланади. Умумий маънода эса стратификация жараёнларини тадқиқ этиш жамиятдаги қатламларнинг қай даражада шаклланганлиги, бу қатламлардаги ички ва ташқи мобиллик, яъни бир қатламдан бошқа қатламга ўсиб ўтиши, ёки аксинча, пастроқ қатламга тушиб қолиши сингари ижтимоий жараёнларнинг ҳолатини диагностика қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга, стратификация жараёнларининг ижтимоий мобиллик, умуман ижтимоий ҳаракатлар билан боғлиқ жихатларини тадқиқ этиш жамиятдаги ҳаракатчан қатламларнинг ҳолатларини билиб олиш имконини беради. Шунингдек, ўз навбатида, стратификация жараёнлари динамикасини ўрганиш орқали жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг тизимли мазмуни ва кўламига нисбатан аниқ ташхис қўйиш мумкин. Шундан келиб чиқсан ҳолда, мазкур бобда социал стратификация ҳодисаси, шунингдек, ижтимоий стратификация тизимлари, уларнинг белгилари ва динамикаси, стратификация жараёнларининг жамият ҳаётида акс этиши таҳлил этилган.

3.4. Стратификация лотинча “stratum” сўзидан олинган бўлиб, “страта” (“қатлам”) тушунчаси билан ифодаланади. Ижтимоий тузилмасига (структурасига) кўра анъанавий бўлган жамиятларда ижтимоий гуруҳлар горизонтал жойлашади; табақалашган (страталашган) жамиятларда эса, бундан фарқли ўларок, муносабатларнинг вертикал йўналиш бўйича амалга ошиши кузатилади.

Таққослаш ўрнида шуни келтириб ўтиш жоизки, табий шароитда ер қобиғининг геологик страталари бир-бирига нисбатан устма-уст жойлашган бўлиб, таг қисмидаги қатлам устки қатламнинг таъсири (босими) остида бўлади, қатламларнинг ўзаро чегаралари эса деярли ўзгармас бўлиб, биридан иккинчисига, айниқса пастки қатламлардан юқорисига ўтиши кузатилмайди. Жамиятда эса, бундан фарқли равишда, турли ижтимоий қатламлар, гурухлар ички ва ўзаро тарзда ҳаракатчан бўлиб, уларнинг жамият ижтимоий иерархиясидаги (погоналаридаги) жойлашуви ва ўрни, яъни ижтимоий статуси тез-тез ўзгариб туради. Бинобарин, жамият ҳаётидаги мавжуд ижтимоий стратификация жараёнларини табий ҳодисаларга, хусусан ернинг тузилишидаги геологик қатламларга нисбатан қиёслаш фақат шартли равишда амалга оширилиши мумкин, холос.

Умумий маънода, социал стратификация жамиятнинг турли табақа, қатлам, погоналарга бўлиниб кетиши жараёнларини англатади. Ушбу тушунчага асосланган назариялар ижтимоий табақаланиш жараёнларининг моҳиятини очиб беришга хизмат қиласди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, социал стратификация жараёнларини таҳлил қилган ҳар бир социолог муқаррар равиша ижтимоий табақаланишдан сўнг ижтимоий тенгсизлик муаммосини ҳам ҳал қилишга уринади. Хусусан, Дюркгейм анъаналарига хос бўлган функционализм таълимоти ижтимоий тенгсизликни меҳнат тақсимотидан келтириб чиқарди; унга кўра, меҳнат тақсимотининг механик ва органик шакллари мавжуд бўлиб, биринчисига одамлар орасидаги жисмоний, жинсий ва ёшга оид фарқлар, иккинчисига маълумот олиш, касб эгаллаш жараёнида вужудга келадиган тафовутлар хосдир.

Ҳар қандай жамиятни бир қанча мезонлар асосида турли ижтимоий табақаларга бўлиш мумкин. Шунга мос тарзда ҳар бир даврда муайян ижтимоий тенгсизлик турлари мавжуд бўлади ва қайта тикланиб туради. Шу маънода ижтимоий табақаланишнинг характеристи ҳамда унинг қарор топиш усули жамиятнинг стратификацион тизими деб юритилади. Диссертацияда мавзуга оид адабиётлар таҳлили натижасида таъкидланадики, инсоният тарихига нисбатан стратификация тизимларининг қуйидаги асосий келтирилади: а) каста тизими; б)

қулдорлик; с) синфий тизим. Буларнинг айримлари тарихда қолиб кетган, баъзилари ҳозирги замонда ҳам кузатилади.

Социал стратификация жараёнлари ҳодисасига қайтадиган бўлсак, шуниси аниқки, у ҳар қандай жамиятга муайян даражада хос бўлиб, социал маконнинг кўп ўлчамли ва иерархик тарзда ташкил топишини ифода этади. Ижтимоий муносабатларнинг серқирра ва мураккаб тизимида ҳар бир ижтимоий груп, қатlam ва табақа маълум бир ўринни эгаллайди, бошқа социал субъектлар билан турли муносабатларга киришади. Бир ижтимоий груп бошқасидан ўз мол-мулки, даромади, шунингдек, сиёсий ҳокимиятга яқинлиги, умумий маънода ижтимоий нуфузига қўра устун ёки қуий даражада туради. Шу маънода социал қатlam (страта) шартли груп бўлиб, унинг социал статуси (мақоми), бошқа групга қарам бўлиши ёки унга ўз хукмини ўтказа олиши маълум бир ижтимоий давр ва макон чегарасида амал қиласди.

Ҳозирги давр стратификация жараёнлари ижтимоий тенгсизлик, бир групнинг бошқасига нисбатан юқори ёки қуий жойлашиши, айни пайтда бир групдан бошқасига ўтиши, яъни социал мобиллик жараёнлари асносида намоён бўлмоқда. Демократик, ҳуқуқий давлатларда барча фуқаролар, ижтимоий статуси ва келиб чиқишидан қатъий назар, юридик жиҳатдан тенг ҳуқуқлидирлар. Бироқ реал ҳаётда, том маънода барча социал груплар тенг бўла олмайдилар. Кўпчилик социологлар фикрича, айнан тенгсизлик ҳаракатга келиш, ривожланиш учун рағбат (стимул) бўлиб хизмат қиласди. Айтиш мумкинки, инсоният жамиятининг барча босқичлари учун одамларнинг ва ижтимоий қатламларнинг ўзаро тенгсизлиги хосдир.

Турли даврлар мутафаккирлари ижтимоий тенгсизликнинг сабабларини ахтариб, уни бартараф этиш режаларини тузишгани тарихдан маълум. Тенгсизлик бир табақанинг бошқасидан устунлигига сабаб бўлиши, бир синфнинг бошқаси устидан ҳукмронлик ўрнатиши, ҳатто турли табақалар ўртасидаги зиддиятларни келтириб чиқариши билан бирга, рақобатни ҳам тугдиради, бу эса ижтимоий мавқеи жиҳатидан юқорироқ синфга ўтиш учун ҳаракат қилишга рағбат уйғотади. Масаланинг фалсафий томонини эмас, социологик жиҳатини тадқиқ қилиш шуни

кўрсатадики, жамият индивидларнинг фаолиятини, интилишини рафбатлантириш, ижтимоий (иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий) юксалишга эришишлари учун ўз аъзоларининг фаоллигини оширишга табиий эҳтиёж сезади. Бунинг учун айрим касб-кор ва фаолият йўналишларига турли имтиёз ва мукофотлар берилади. Социал стратификация ҳодисаси ва жараёнлари шу каби ижтимоий эҳтиёжлардан келиб чиқади.

**Ижтимоий интеграция** – социумдаги ижтимоий тизимларнинг ўзаро ҳамкорликка йўналган яқинлашиш жараёнларидир. Бунда нисбатан мустақил бўлган социал субъектлар (индивидулар, социал гурухлар) ўртасида зарур алоқалар ўрнатилиши жараёнлари барқарор тус олади.

3.5. Жамият ҳаётида нисбатан ўзгармас статик жараёнлар билан бирга кўпқиррали жўшқин динамик жараёнлар алмашиниб туради ва жамият ҳаётига тизимли таъсир доирасини белгилайди. Жамият барқарорлиги ва бекарорлиги кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Шу билан бирга жамият ҳаётини барқарорлаштирувчи омилларга ижтимоий эҳтиёж доимо юқори бўлади.

3.6. Жамият барқарорлигини таъминлашда ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан бирга *социал ўзгаришилар* ҳам алоҳида ўрин тутади.

Мехнат ва иқтисодий фаолиятнинг оммавий соҳаси бўлган иқтисодиётда икки хил жараёнлар доимий равишда юз беради, улар табиатига кўра табиий ва ижтимоий турларга бўлинади. *Табиий жараёнлар* инсон томонидан унинг ўзаро таъсири ёки табиат билан алоқаси пайтида моддий ёки интеллектуал маҳсулотларни яратиш учун меҳнат воситалари ёрдамида амалга оширилади. *Ижтимоий жараёнлар* ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган одамлар ўртасидаги муносабатларни тавсифлайди. Иккала жараён ҳам яқин ҳамкорликда амалга оширилади. Бундан ташқари, улар тартибга солиш (режалали, бозор, аралаш) воситалари орқали воситаланадилар. Натижада, маълум бир бошқарув даражасида унинг

параметрлари ўзгариши динамикасини тавсифловчи ижтимоий-иктисодий тизимни яратиш ва ишлаш жараёнлари мажмуи сифатида белгиланган ижтимоий-иктисодий жараёнлар шакланади.

Ижтимоий-иктисодий жараёнлар тасниф асосида ётадиган мезонга қараб турлари ва турлари бўйича таснифланади:

-бошқариладиганлик даражасига кўра – стихияли ва бошқариладиган жараёнлар;

-тарқалиш йўналиши бўйича - ташқи ва ички иктисодий жараёнлар; улар доирасида халқаро интеграция, кооперация, ҳамкорлик ва б. жараёнлари ривожланиши мумкин;

-жамият ҳаётига таъсир кўлами бўйича - макроиктисодий, минтақавий, маҳаллий, микроиктисодий жараёнлар;

-функционал намоён бўлиш тузилиши бўйича - ишлаб чиқариш, меҳнат, ташкилий, технологик, ахборот жараёнлари.

Иктисодий ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасидаги муносабатларнинг барқарорлиги нуқтаи назаридан барқарор ва беқарор ижтимоий-иктисодий жараёнлар ҳақида гапириш мумкин. Биринчиси, **ижтимоий-иктисодий тизимнинг барқарорлиги** ва фуқароларнинг хулқ-атвори, иктисодий қарорларни қабул қилиш механизmlари ривожланганлиги билан ажralиб туради. Иккинчиси одатда **инқиroz** пайтида ижтимоий-иктисодий вазиятни ўзгартириш зарурати намойиши сифатида пайдо бўлади.

### **Назорат саволлари**

1. Инсон фаоллиги ва ижтимоий фаолиятнинг ўзаро боғлиқлиги нимада?
2. Социал бирликлар қандай вужудга келади ва уларнинг қандай шакллари мавжуд?
3. Социумда маданият ва қадриятларнинг ўрнини қисқача таърифланг

4. Ижтимоий табақалашувнинг ҳозирги Ўзбекистондаги асосий тенденциялари нималарда намоён бўлмоқда?
5. Жамият функционаллиги нималарда намоён бўлади?
6. Социал ўзгаришларни прогнозлаш мумкинми?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Бабосов Е.М. Современный социум: характер и направленность развития / Е.М.Бабосов, Ч.С.Кирвель, О.А.Романов. – Минск: издательство «четыре четверти», 2013. – 728 с.
2. Гидденс Энтони. Социология. – М.: Эдиториал УРСС, 1999. – 704 с.
3. Харари Ю.Н. Sapiens. Краткая история человечества / Юваль Ной Харари; [пер. с англ. Л.Сумм]. – М.: Синдбад, 2020. – 512 с.
4. Штомпка П. Социология. Анализ современного общества: Пер. с польск. С. М. Червонной. – М.: Логос, 2005. – 664 с.

### **Интернет ресурслари**

1. [www.lib.socio.msu.ru](http://www.lib.socio.msu.ru)
2. <http://www.socioline.ru>
3. <http://www.socio.rin.ru>
4. <http://www.sociologos.narod.ru>

## **4-мавзу: СОЦИОЛОГИЯДА ЭМПИРИК ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ**

*Режса:*

- 1. Социологияда тадқиқот стратегияси ва умумий методологияси муаммоси*
- 2. Асосий тадқиқот методлари (дала тадқиқотлари, сўровлар, танлаш, ҳужжатли тадқиқот, экспериментлар)*
- 3. Тадқиқотнинг бошқа турлари: интервью, кундаликлар, сұхбат таҳлили ва б.*
- 4. Тадқиқот натижалари ва уларнинг талқини*

**Таянч иборалар:** Эмпирик тадқиқотлар, тадқиқотлар стратегияси, тадқиқотлар методологияси, дала тадқиқотлари, сўровлар, эксперимент, интервью, сұхбат услуги, тадқиқот натижалари интерпретацияси

**4.1. Социологик тадқиқотлар стратегияси** аввало мавжуд жамият ҳолати билан боғлиқ. Шу маънода замонавий ахборотлашган жамиятнинг умумий тавсифига тўхталамиз.

Ахборотлашган жамият шароитида ижтимоий тизимлар ва жараёнлар хусусиятларини ўрганишда амалий тадқиқотларнинг ўрни сезиларлидир. Бугунги кунда ахборотлашган жамият билимларни ва ахборотни ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш устувор бўлган социум сифатида шаклланишга улгурди. Бу жамият ҳаётида билимлар, ахборотлар ва ахборот технологияларининг роли ва аҳамияти кескин ошиб кетганлиги билан изоҳланади.

Албатта, ахборотлашган тизимлар, яъни телефон, радио, телевидение, анъанавий оммавий ахборот воситалари ҳамда электрон матбуот ахборотлашган жамиятнинг муҳим тизимлари сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда, аммо Интернет тизими тобора глобал хусусият касб этиб бориши ҳам ҳақиқатга айланди.

Умуман олганда, глобал ахборот маконининг ижтимоий воқелик ва жараёнга айланиши бир қатор муҳим ижтимоий оқибатларга олиб келмоқда: -инсонларнинг самарали ўзаро ахборот алоқадорлиги таъминланмоыда;

-дунёвий ахборот заҳираларига дахлдорлик кіллами ошиб бормоқда;  
-ахборот маҳсулотлари ва хизматларига эҳтиёжларнинг қондирилиши кенг кіллам касб этмоқда.

Жаҳонда глобалашув жараёни ва инсон тафаккурига ахборот босимининг кучайиши натижасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг тез суръатларда ривожланиши туфайли, инсониятнинг глобал Интернет тармоғига қарамлик даражаси ортиб бормоқда. Шу сабабли, глобал Интернет тармоғи жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий қарашларни шакллантиришда, улар ривожланиш жараёнига бевосита таъсир этиш ва ўзгартиришда асосий воситалардан бири бўлиб қолмоқда. Глобал Интернет тармоғининг тобора кенгайиши, инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олганлиги ва глобал тармоққа айланиши, мазкур соҳани XXI асрда ахборот алмашинувининг асосий воситаси сифатида эътироф этишга асос бўлди. Умуман олганда, социология назариётчиларидан бири Э.Гидденс таъкидлаганидек, “Глобаллашув натижасида жаҳонда ахборот тайёрлаш, тарқатиш, қабул қилиш, фойдаланишининг янги тартиби шаклланди”<sup>12</sup>.

Глобал Интернет тармоғи инсонлараро алоқа учун самарали восита эканлиги, унинг инсон фаолиятини жадаллашувига сабаб бўлди, дунёнинг барча мамлакатларида Интернет тармоғида эълон қилинаётган ахборотлардан фойдаланувчилар сонининг ортишига ва Интернет тармоғида сайтларини кенгайтиришга бўлган ижтимоий, иқтисодий эҳтиёжни кескин ортишига, инсоннинг ижтимоий қизиқишлигини таъминловчи виртуал ахборот макони сифатида тан олинишига олиб келди. Шунинг учун ҳам глобал тармоқда турли хил, яъни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий мазмундаги маълумотларни ўзида жамлаган сайтлар сони ортиб бормоқда. Таъкидлаш лозимки, ушбу сайтларда шахс фаолияти учун зарур бўлган, унинг илмий, касбий, ижтимоий қизиқишлиари юксалишини таъминлайдиган ахборотлар мажмуаси мавжуддир. Шунингдек янги тараққиёт босқичи даврида истиқомат қилаётган шахснинг сиёсий, ахлоқий,

<sup>12</sup> Гидденс Э.Социология. Москва, УРСС, 1999, стр.1012.

маънавий маданиятини шакллантирувчи ахборотлар мажмуи ҳам интернет сайтларда ўз ифодасини топган.

Янги ривожланиш босқичи шароитида, глобал Интернет тармоғининг жадал ривожланиб бориши натижасида, унда жойлаштирилган ахборот сайтлар мазмуни ҳам маълум турли йўналишларга гуруҳланиш жараёни кузатилмоқда. Интернет тармоғида жойлаштирилган маълумотларидан асосий фойдаланувчилар ёшлар эканлиги, интернет тизими томонидан тақдим этилаётган тезкор алоқа имкониятлари, ёшлар сайтларини жадаллик билан ривожланишига олиб келмоқда. Бундай коммуникатив имкониятлар ёшларнинг интернет имкониятларига ишончини оширди, ёшларнинг турли малактларда истиқомат қилаётган ҳамкорлари, дўстлари, ҳамкаслари, қариндошлари ва издошлари билан сифатли алоқа воситаси ролини бажарди. Шу билан биргаликда ёшларни муайян қисми Интернет тармоғида ўз вақтларини ўтказиши, уларни баъзи салбий ахборотлар мажмуаси, демократик жамиятнинг ривожланиш тенденцияларига зид бўлган, бузғунчи гоялар мавжуд бўлган сайтлар таъсирига тушишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги, глобаллашув ва ахборот босими муттасил ошиб бораётган даврда, айrim хориж давлатлар ҳудудида зарарли таъсирга эга бўлган ёшлар фаолиятини тараннум этувчи, уларнинг тожовузкорана, босқинчилик, жиноятчилик, гиёҳвандлик, бузғунчилик мазмундаги гоясини ташвиқот қилувчи маълумотларга эга бўлган интернет сайтларининг сони ортиб бормоқда. Статистик маълумотларга кўра, ҳозирда Интернет тармоғида маънавий бузуқлик ва турли ғаразли мақсадларни, конституцион тизимга қарши, демократик жамият қуриш талабларини инкор этишни тарғиб қилувчи, тинч осойишта ижтимоий, иқтисодий турмушни бузишга ундовчи ишлар билан шуғулланаётган 7000 дан ортиқ интернет сайтлар фаолият юритмоқда. Сайtlар бўйича статистик ахборотларни тўплайдиган “Liveinternet.ru” сайтининг маълумотларига кўра, Одноклассиники ижтимоий тармоғида Ўзбекистонлик фойдаланувчиларнинг сони 2018 йилнинг биринчи чорагида 707 559 нафар кишини ташкил этган. “2018 Global Digital” ҳисоботи, “We Are Social ва Hootsuite” агентликлари маълумотларига кўра, ҳар ой

Фейсбукуда қарийб 1,3 миллион, Инстраграмда 890 000 минг фаол профиллар рўйхатга олинган. Ўтган йил билан таққослагандаги, ўзбек “фейсбукучи”лари сони 69%га ошган. Фейсбукудан фойдаланадиган ўзбекларнинг 62% и ушбу тармоқка ўз мобиль телефонлари орқали кирган.

“Similar Web”, сайтидан олинган маълумотларга кўра, Ўзбекистонда “Imo” иловаси, Андроид оператив тизимида юкланган энг машҳур илова ҳисобланади. “Telegram” иловаси эса, иккинчи ўринни эгаллайди. Бироқ “Telegram” “Apple” дўконида 2018 йил 6 октябрь иловалар тахтаси-да Инстаграм ва “IMO” дан юқорида, биринчи ўринни эгалаган бўлсада, Ўзбекистондаги “Google Play” дўконида доимо юклаш трендида турибди. “Google” дўкони иловалар тахтасида Инстаграм и Одноклассники етакчилик қилмоқда.<sup>13</sup>

Ўзбекистонда 2018 йилнинг ўн ойи мобайнида 36,9 фоиз интернет фойдаланувчилари интернетда кибер-хужумга учраган. Ушбу кўрсаткич бўйича мамлакат 27-ўринни эгаллайди. Қаттиқ дисклар, USB-флешкалардаги вируслар орқали 69,8 фоиз фойдаланувчиларга хужум уюштирилган.

Улардан ҳимояланиш учун интернет тизимида, миллий ғоя, фуқоралик жамияти мақсади ва мазмунини, янги ривожланиш даврида мамлакатимизда эришилган, ижтимоий турмушда, иқтисодий тараққиётда, ёшлар келажагини таъминловчи ютуқларни тарғиб қилувчи миллий сайтларни шакллантириш, ривожлантириш, уларга ёшларни жалб этиш зарурияти мавжуддир.

Глобаллашув жараёнининг кенгайиши, бозор иқтисодиёти мунособатларининг чуқурлашуви шароитида жамият аъзоларининг Интернет тармоғи сайтларидан ахборот олиш ҳажми ортиб бормоқда. Бундай вазият, интернетда миллий сегментни ривожлантириш, мазмунан бойитиш, уни янада такомиллаштириш учун фаолият юритиш, веб-сайтларни мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳатлар мазмунига мос суратдаги ахборотлар мажмуаси билан тўлдириш масаласи муҳим эканлигини кўрсатади.

---

<sup>13</sup> Ўзбекистонда интернет (инфографика). [file:///C:/Users/user/Downloads/Telegram%20Desktop\\_UzAnalytics.html](file:///C:/Users/user/Downloads/Telegram%20Desktop_UzAnalytics.html)

4.2. Маълумки, социолог аҳоли ўртасида қандайдир сўров ўтказадиган тор доирадаги мутахассис эмас, балки социал тафаккурга эга бўлган, жамият ва уни ташкил этувчи ҳар бир социал субъект, яъни алоҳида олинган шахс, социал гурӯҳлар ва социум ҳақида чуқур назарий билимларга эга бўлган, одамлар билан ишлаш амалий кўникмаларига эга инсон ва ижтимоий жараёнларни прогноз қилиш салоҳияти бўлган универсал мутахассисдир.

Социолог аввало ижтимоий тизимлар ва жараёнларни макросоциологик миқёсда идрок эта олиши зарур. Шу маънода у социология асосчиларидан тортиб то замонавий социологик концепцияларгача бўлган муаллифлар ва жамиятшунослар асарларини чуқур эгаллаши зарур.

4.3. Ижтимоий тизимлар, жараёнлар ва муносабатларни ўрганишда амалий (эмпирик) социологик тадқиқотлар социолог учун социал далил (факт) олиш имконини берувчи восита, холос. Айнан ана шу социал факт социолог учун илмий хулосалар учун исботловчи далил бўлиб хизмат қиласди. Илмий хулосалар эса социолог учун социал реалликка аниқ ташхис қўйиш билан бирга, воқелик ривожига оид прогнозни амалга ошириш имконини беради. Хуллас, социологнинг тадқиқот олиб бориш жараёни “*Назарий умумлашма - гипотеза (таҳмин) - социал факт – таҳлил - илмий хулоса - прогноз*” кўринишини олади.

Албатта, ўз-ўзидан равшанки, жамиятни ижтимоий институт сифатида эмпирик ўрганишнинг мураккаблиги исбот талаб этмайди. Социолог тадыиыотнинг миқдорий услубларидан тортиб сифатий услубларгача бўлган барча воситалардан фойдаланади. Хусусан, ижтимоий жараёнлар, айтайлик социал мобиллик, ички ва ташқи миграция, урбанизация каби оммавий ва стихияли жараёнларни ўрганишда турли хил статистик маълумотларнинг ўзи етарли эмас, бунинг учун эмпирик социологик тадқиқотлар услублари (сўров; анкеталаштириш; интервью; фокус-гурух; ахборотни изоҳлаш ва х.к.) ҳам ишга солинади. Олинган маълумотларнинг ҳаққонийлиги чиқариладиган илмий хулосаларни асослашга хизмат қиласди.

4.4. Ижтимоий тизимлар ва жараёнларни тизимли таҳлил қилишнинг ўз услублари мавжуд бўлиб, улар аввало мазкур жараёнларни таснифлаш

(классификация қилиш), уларни гурухлаш ва хилларга ажратиш (типологизациялаш) кабиларда ифодаланади. Бу каби услублар ижтимоий тизимларни аниқ бир тоифаларга ажратиш имконини бериши билан бирга, уларни аҳамиятлилиги жиҳатидан тартиблашни таъминлайди.

Бугунги қунда социал фанларда ижтимоий тизимлар ва жараёнларни таҳлил қилишда конкретлаштириш ва прогнозлаштириш мухим аҳамият касб этмоқда. Айнан прогнозлаштириш натижасида бу каби кенг миқёсли жараёнларни ўз навбатида моделлаштириш ҳам, маълум соҳаларини ижтимоий эксперимент тариқасида синовдан ўтказиш ҳам мумкин бўлади. Қуйида ижтимоий соҳа мисолида ижтимоий тизимлар ва жараёнларни айтиб ўтилган услублар асосида таҳлил қилиш, прогнозлаш ва лойиҳалаш механизмларини кўриб чиқамиз.

*Ижтимоий соҳа* - бу жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий гурухларнинг, шу жумладан синфларнинг (тадбиркорлар, хизматчилар ва б.), шунингдек аҳолининг касбий ва ижтимоий-демографик қатламларининг таъсир доирасини ифодаловчи соҳадир. Шу билан бирга мазкур соҳа ишлаб чиқариш фаолияти шартлари; моддий фаровонлик даражаси; соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий таъминот муаммоларини ҳал қилиш; ҳар бир инсон томонидан меҳнатга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш, шунингдек жамиятда яратилган моддий ва маънавий неъматларни тақсимлаш ва истеъмол қилишда ижтимоий адолатга риоя қилиш; жамиятнинг бой ва камбағалларга ижтимоий табақаланиши натижасида юзага келадиган зиддиятларни ҳал қилиш; аҳолининг айрим қатламларини ижтимоий ҳимоялашни ҳам қамраб олади.

Албатта, ижтимоий жараёнлардан келиб чиқадиган ижтимоий хусусиятли муносабатлар турли томонлар ҳаракатларининг қўп йўналишли (векторли) кучлари қўшилишининг натижасидир. Шу маънода мазкур муносабатлар ва жараёнлар макони *социал макросистема* хусусиятига эга

бўлади. Бунда ижтимоий жараёнлар иштирокчилари ўртасидаги муносабатларнинг уч хил шаклини прогнозлаштириш мумкин:

- а) айрим ижтимоий гуруҳлар ўз ижтимоий манфаатларини қондиришга эриша олмайдилар ва маълум вақтгача бунга чидашга мажбур бўладилар, аммо улар ўз позицияларини ўзгартириш учун куч тўплайдилар;
- б) бошқа бир ижтимоий гуруҳлар ҳаёти давомида кутган ўз манфаатларининг социум мақсадларига мувофиқ эмаслигини англаб, ўз эҳтиёжларини қондирилмаслиги эҳтимоли билан келишишга мажбур бўладилар;
- с) макросистемада ижтимоий уйғунлик ҳолати содир бўлади, яъни ИИСЖнинг прогнозлаштирилган ривожланишига нисбатан қаршиликлар бўлмайди.

Юқоридаги сабабларга кўра, ИИСЖ нинг ривожланиши одатда давлат ва унинг институтларининг ижтимоий-иктисодий жараёнларга аралашувига олиб келмайди.

ИИСМ фундаментал ижтимоий кутишларнинг замони ва маконидаги ўзига хос спирал ҳаракатлардир. Маълумки, *фундаментал ижтимоий кутишларга ижтимоий адолат, шахснинг teng қобилиятлари ва иқтисодий имкониятлар тенглиги, барча субъектларнинг мулкий ва расмий мақомидан қатъи назар қонун олдидаги тенглиги тенглик каби қадриятлар* киради.

Умуман олганда, ИИСМ эволюция ва инволюциянинг биргаликдаги мавжуд бўлиши ва бир-бирини тўлдиришидир. *Эволюция* - бу объект ва жараённинг ўзгаришидир. *Инволюция* - бу турғунлик, стагнация (қотиб қолиш), объект ёки жараённинг баъзи фазилатларининг ёмонлашишидир.

Юқоридагилар асосида ижтимоий жараёнларнинг давомийлигининг қуйидаги сценарийлар асосидаги умумий прогнозини келтириш мумкин:

I. Ижтимоий низоларнинг етилишинии кўрсатувчи жараёнлар қуйидаги оқибатларга олиб келади:

- социал хотира илгари эришилган, аммо кейин даражаси пасайган ижтимоий кутишларнинг қондирилиши даражаларини эртами-кечми долзарб қондирилмаган эҳтиёжлар тоифасига қайтаради;
- ҳокимиятни қониқмаслик ва норозилик даражасини пасайтиришга мажбурлайди;
- кучларнинг вақтинчалик мувозанатини бузади;
- тенгкучли ҳаракатдаги социал кучларни норозилик билдираётган ижтимоий субъектлар фойдасига йўналтиради.

II. Юқоридаги натижалар юз бермаган тақдирда:

- социал инқироз етилади;
- ижтимоий портлаш юз беради.

Воқеаларнинг ушбу спенарийлар асосида юз беришининг тўғрилиги бутун инсоният тарихи асносида ўз тасдифини топган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, ИИСЖ ҳаёт циклининг дастлабки босқичларининг яширин табиати қуйидаги босқичларда ифодоланади: а) пайдо бўлиши, яъни жараённинг бошланғич даври; b) шаклланиши, жараённинг асосий хусусиятларининг ўз ифодасини топиши; с) жараённинг тезлашиши.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Бабосов Е.М. Современный социум: характер и направленность развития / Е.М.Бабосов, Ч.С.Кирвель, О.А.Романов. – Минск: издательство «четыре четверти», 2013. – 728 с.
2. Гидденс Энтони. Социология. – М.: Эдиториал УРСС, 1999. – 704 с.
3. Харари Ю.Н. Sapiens. Краткая история человечества / Юваль Ной Харари; [пер. с англ. Л.Сумм]. – М.: Синдбад, 2020. – 512 с.
4. Штомпка П. Социология. Анализ современного общества: Пер. с польск. С. М. Червонной. – М.: Логос, 2005. – 664 с.

## **Интернет ресурслари**

1. [www.lib.socio.msu.ru](http://www.lib.socio.msu.ru)
2. <http://www.socioline.ru>
3. <http://www.socio.rin.ru>
4. <http://www.sociologos.narod.ru>

## **Назорат саволлари**

1. Эмпирик социологик тадқиқотлар стратегияси қандай белгиланади?
2. Эмпирик социологик тадқиқотлар услугларининг асосий турларини санауберинг
3. Ўз тадқиқот фаолиятингизда эмпирик социологик тадқиқотларнинг қайси услугларидан фойдалангансиз?
4. Эмпирик социологик тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиши қандай аҳамиятга эга?

## **5-МАВЗУ: СОЦИОЛОГИК НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯЛАР ИСТИҚБОЛЛАРИ**

*Режса:*

- 1. Социал фаолият мураккаблиги турли назарий ёндашувлар мавжудлигининг омили сифатида*
- 2. Замонавий социологиянинг асосий назарий ёндашувлари: функционализм, структурализм, символик интеракционизм ва б.*
- 3. Дунёнинг янги манзараси ва уни изоҳлашда социологиянинг ўрни*

**Таянч иборалар: Социологияда назариялар ва методологиялар, функционализм, структурализм, символик интеракционизм, социал дунё ва унинг янги манзараси, социал прогнозлашириши**

**5.1.** Бугунги кунда жамият универсал ва мураккаб тузилган ҳамда динамик тарзда ривожланаётган яхлит социал тизим сифатида кўплаб ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Айтиш мумкинки, XXI аср учинчи ўн йиллигига қадам қўяётган ҳар қандай жамият тизимли беқарорликка дуч келмоқда. Барча социал тизимлар, яъни кичик оиласдан тортиб то инсониятгача, бугунги кунда ўзининг келажагини ҳам хавотир, ҳам умид билан кутиб олишга интилади. Социал тизимларнинг барча масштабдаги турлари – микротизимлар (алоҳида индивидлар, кичик социал групкалар: оила, маҳалла), мезотизимлар (мехнат жамоалари, кичик бизнес ва б.), макротизимлар (жамиятнинг йирик тизимости турлари: иқтисод, сиёсат, социал соҳа, маданият), метасистемалар (алоҳида жамият, давлат) ва мегасистема (инсоният, глобал ҳамжамият) ҳозирги босқичдаги ривожланишда ўз ўрнини топишга ҳақлидир, зеро уларнинг барчаси доимо ҳаракатда ва биргаликда социал фаолиятнинг чексиз хилма-хиллигини ташкил этади.

Юқорида баён қилинган социал фаолият мураккаблиги турли назарий ёндашувларни ҳам келтириб чиқаради.

5.2. Бугунги кунда мавжуд бўлган асосий социологик ёндашувлар (функционализм, структурализм, феноменологик социология, символик интерекционизм ва б.) ўз йўналишларида тизимли йўналишларни акс эттиради.

Фанлар тарихидаги тизимли ёндашувни (“тизим” тушунчасидан келиб чиқадиган парадигма) умумлаштирав экан, белоруссиялик социолог олимлар Е.М.Бабосов, Ч.С.Кирвель ва О.А.Романовлар тизимлилик ғоясининг фандаги қуийдаги тадрижий босқичлари ва кўринишларини келтириб ўтадилар:

-ўрта асрлар Европасида Фома Аквинскийнинг Худо ва инсон борлигининг теологик талқини;

-Янги даврдаги Н.Коперникнинг Қуёш тизими ҳақидаги тизимли концепцияси, К.Линнейнинг тирик мавжудотлар дунёсининг тизимлилиги изоҳи;

-кейинги даврда П.Гольбахнинг табиат тизими фалсафий талқини, Ж.Миллнинг мантиқ тизими концепцияси, Ч.Дарвиннинг биологик эволюция тизими ҳақидаги концепцияси

-илем ва фан тараққиёти гуркираган даврда Д. Менделеевнинг элементларнинг даврийлик тизими ҳақидаги қарашлари, ижтимоий фанларда эса К.Маркснинг капитализм тузумининг таҳлилини ўз ичига олган тизимли методологияси;

-XX аср бошларига келиб А.Богдановнинг фанни умумий тарзда тизимлаштиришга қаратилган концепцияси, П.Тейяр де Шарден ва В.Вернадскийнинг нооосфера тизимларига оид таълимотлари, Т.Котарбиньскийнинг тизимли праксеология ҳақидаги қарашлари, кейинчалик Л.Берталанфининг “тизимлар умумий назариясини” яратиш дастури

- XX аср 10-20 йилларида физика соҳасида юз берган оламшумул кашфиётлар ва тизимли методология ривожига катта ҳисса кўшган М.Планк, Н.Бор, В.Гейзенберг ва бошқаларнинг квант-механик тизимлар ҳақидаги назариялари, айниқса А.Эйнштейннинг нисбийлик назариясининг тизимли

тасаввурлари ва ниҳоят И.Пригожиннинг синергетика ҳақидағи концепцияларини келтирадилар. Бу каби тизимли қарашлар турли табиаттаға эга бўлган тизимлар – табиий, кимёвий, биологик, техник, иқтисодий ва социал тизимлардаги ўзини ўзи тартибловчи механизмларни очиб беришга хизмат қилган эди. Социал фанлар соҳасида тизимли методологияни тадбиқ этиш ўтган асрда Т.Парсонснинг “Социал тизимлар ҳақида”, Н.Луманинг “Умумий назария очерки”, И.Валлерстайннинг “Дунёвий тизимлар ва ҳозирги замондаги вазият таҳлили” асарларида ўз ифодасини топган эди<sup>14</sup>.

Тизимли методологияни қўллаш зарурлиги XXI аср биринчи ўн йиллигидага, аниқроғи 2008 йилда бошланган улкан дунёвий молиявий ва иқтисодий тизимли инқироз даврида инсоният учун катта далил бўлган бўлди, зеро бу инқироз 200 дан ортиқ давлатларга ўз таъсирини кўрсатди, фақатгина жаҳон иқтисодига чукур интергациялашмаган давлатларгини бундан четроқда қолишиди, хусусан Хитой ўзининг алоҳида сиёсати туфайли. Аммо 2019 йил охирида бошланган короновирус пандемиясининг ўчоғи айнан Хитой бўлди ва бу оғат қисқа вақт ичида дунёнинг мутлақ кўп қисмини эгаллади ва бу глобал универсал супертизимга айланган инсоният учун яна бир синов бўлмоқда.

5.3. Дунёнинг бугунги манзараси, хусусан унинг социал соҳаси ижтимоий фанлардан, хусусан социологиядан муаммо майдонини аниқлаб олишни талаб этмоқда. Бугунги кунда дунёнинг манзарасини илмий тадқиқ этишда методологиялар ўзгармоқда. Барча фанлар, шу жумладан социология ҳам ўзи босиб ўтган йўл нуқтаи назаридан инсониятни ўйлантираётган глобал муаммоларга ўз жавобини беришга уринмоқда.

Бугунги кунда охирги уч асрда “ғолибона” одимлаган бизнинг техноген-истеъмол цивилизациямиз бугунги кунда катта танлов олдида турибди. У ўзининг “ўсиш чегараларини” аниқ кўриши керак, у тарихан ўз қобилиятсизлигини сезаяптими? У давр даъватларини англаяптими? Ўзи туғдирган глобал муаммоларни бартараф эта оладими?

<sup>14</sup> Қаранг: Бабосов Е.М. Современный социум: характер и направленность развития / Е.М.Бабосов, Ч.С.Кирвель, О.А.Романов. – Минск: издательство «Четыре четверти», 2013. – с. 8-9.

Бир сўз билан айтганда, бугунги глобаллашган дунёда социал фанлар, шу жумладан социология фани ўз ўрнини топиши зарур. Бунда у янги тадқиқот имкониятларини топа билиши муҳим аҳамиятга эга.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Бабосов Е.М. Современный социум: характер и направленность развития / Е.М.Бабосов, Ч.С.Кирвель, О.А.Романов. – Минск: издательство «четыре четверти», 2013. – 728 с.
2. Гидденс Энтони. Социология. – М.: Эдиториал УРСС, 1999. – 704 с.
3. Харари Ю.Н. Sapiens. Краткая история человечества / Юваль Ной Харари; [пер. с англ. Л.Сумм]. – М.: Синдбад, 2020. – 512 с.
4. Штомпка П. Социология. Анализ современного общества: Пер. с польск. С. М. Червонной. – М.: Логос, 2005. – 664 с.

### **Интернет ресурслари**

1. [www.lib.socio.msu.ru](http://www.lib.socio.msu.ru)
2. <http://www.socioline.ru>
3. <http://www.socio.rin.ru>
4. <http://www.sociologos.narod.ru>

### **Назорат саволлари**

1. Социологияда методологиялар ва асосий концепцияларнинг ўзгариши сабаблари нимада деб ўйлайсиз?
2. Замонавий социологиядаги мавжуд асосий концепцияларни санаб кўрсатинг
3. Социал дунё манзараси деганда нимани тушунасиз?

## IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-Семинар

**Мавзу: Замонавий социологияда назария ва методология муаммолари: тарихийлик ва тизимлилик**

Режа:

1. Социологияда парадигмалар алмашинуви
2. Социологияда “Инсон жасияти тарихи” тушунчаси
3. Социум: түзилиши ва динамикаси

**Семинар машғулотини олиб бориш тартиби:** Тингловчилардан ихтиёрий равища кичик гурухлар шакллантирилади, мавзу буйича асосий тушунчаларни жавдал ва схемалари шакллантирилади. Тингловчилар ўзлари бажарган амалларини индивидуал ёки гурухий тарзда изоҳлаб, ҳимоя этадилар.

**Семинар машғулотини олиб бориша қўлланиладиган метод:** баҳс ва мунозара методи

### “БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ

Метод икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан муайян вақт оралиғи ва қатъий қоидаларга мувофиқ ташкил этиладиган оғзаки баҳс бўлиб, тингловчиларда ўрганилаётган мавзу бўйича эркин, асосли фикрларни билдириш қобилиятларини шакллантиришга хизмат қиласи. Ўқув машғулотларида баҳс-мунозарадан фойдаланишда мавзуга доир маълум масалалар ҳал қилинади.

(Изоҳ: -бир тингловчига икки марта сўзга чиқишига рухсат этилмайди; ўқитувчи тингловчиларнинг мавзудан четта чиқмасликларини назорат қилиб боради)

Методни қўллашда қўйидаги тартибда иш кўрилади:

Баҳс-мунозара учун танланган мавзу тингловчиларга олдиндан маълум қилинади

Жараён ўқитувчи томонидан бошқарилиб борилади

Тингловчилар индивидуал тарзда ёки кичик гурӯҳ номидан баҳс юритилаётган масала бўйича шахсий мулоҳазаларини баён қиласди

Баҳсда масаланинг моҳияти бўйича бир-бирига муқобил фикрлар илгари суриласди

Ечим бўйича асосий фикрни баён этувчиларга 10 дақиқа, қўшимча қилувчиларга эса 5 дақиқадан вақт бериласди

Ўқитувчи томонидан баҳс-мунозара юзасидан якуний хулюса билдириласди

### **Фойдаланиш учун адабиётлар:**

1. Бабосов Е.М. Современный социум: характер и направленность развития / Е.М.Бабосов, Ч.С.Кирвель, О.А.Романов. – Минск: издательство «четверти», 2013. – 728 с.
2. Гидденс Энтони. Социология. – М.: Эдиториал УРСС, 1999. – 704 с.
3. Харари Ю.Н. Sapiens. Краткая история человечества / Юваль Ной Харари; [пер. с англ. Л.Сумм]. – М.: Синдбад, 2020. – 512 с.
4. Штомпка П. Социология. Анализ современного общества: Пер. с польск. С. М. Червонной. – М.: Логос, 2005. – 664 с.

## **2-Семинар**

**Мавзу:** Замонавий социологик назариялардаги асосий тушунчалар:

Режа:

1. Социал структура ва унинг таркибий элементлари (социал институтлар, ҳокимият структураси ва б.)
2. Социал ҳаракат ва унинг асосий шакллари (урбанизация, социал мобиллик, социал ҳаракатлар (революциялар), социал ўзгаришилар, глобализация)
3. Социал алоқалар (шахс ва социализация, маданият ва жамият, социал ўзаро ҳаракатлар ва кундалик ҳаёт, конформлик ва девиантлик, гендер ва оила) социологиянинг муҳим тушунчаси сифатида
4. Конфликт ва консенсус жамият мавжудлигининг реаллиги сифатида

**Семинар машғулотини олиб бориш тартиби:** Тингловчилардан ихтиёрий равишда 4 та кичик групкалар шакллантирилади, ҳар бир групга битта вазиятнинг 4 жиҳати бўйича алоҳида-алоҳида топшириқ берилади: 1) вазиятнинг салбий жиҳатлари; 2) вазиятнинг ижобий жиҳатлари; 3) рисклар; 4) имкониятлар. Ҳар бир груп топшириқни маълум муддатда бажаради ва ҳар бир груп ўз тақдимотларини кетма кет тақдим этади. Тақдимот текст, жавдал ва схемалар кўринишида бўлиши мумкин. Ҳар бир групнинг вазиятнинг бирор жиҳатини очиб беришига қараб умумий ечим топилади.

**Семинар машғулотини олиб боришда қўлланиладиган метод:** SWOT таҳлил

**Фойдаланилган учун адабиётлар:**

1. Бабосов Е.М. Современный социум: характер и направленность развития / Е.М.Бабосов, Ч.С.Кирвель, О.А.Романов. – Минск: издательство «четыре четверти», 2013. – 728 с.
2. Гидденс Энтони. Социология. – М.: Эдиториал УРСС, 1999. – 704 с.

3. Харари Ю.Н. *Sapiens. Краткая история человечества* / Юваль Ной Харари; [пер. с англ. Л.Сумм]. – М.: Синдбад, 2020. – 512 с.
4. Штомпка П. Социология. Анализ современного общества: Пер. с польск. С. М. Червонной. – М.: Логос, 2005. – 664 с.

### **3- Семинар. Жамият социология предмети сифатида**

#### **Режа:**

- 1.Инсон фаоллиги социал контекст сифатида
- 2.Социал бирликлар
- 3.Маданият, қадриятлар, глобализация, ижтимоий фикр жамият ҳаётининг детерминантлари сифатида
- 4.Социал стратификация Э.Гидденс ва П.Штомпка талқинида: қиёсий таҳлил
- 5.Жамият функционаллиги (социализация, социал назорат ва институционализация)
- 6.Социал ўзгаришлар (социал вақт, социал инқилоб, глобализация)

**Семинар машғулотини олиб бориш тартиби:** Тингловчилардан ихтиёрий равища 3 та кичик гурӯҳлар шакллантирилади, шулардан битта гурӯхга муаммоли ҳолат ва муайян масалани ҳал ечиш топшириғи берилади, маълум вақтдан сўнг тақдимот имконияти берилади, иккинчи гурӯх ушбу гурӯх тайёргарлиги ва тақдимотини назорат қилиб боради ва баҳолайди, учинчи гурӯх эса назоратчи вазифасини бажаради. Дарснинг кейинги қисмида гурӯҳлар ўзаро ўринларини алмаштиришлари мумукин.

Тақдимот текст, жавдал ва схемалар кўринишида бўлиши мумкин. Ҳар бир гурӯхнинг вазиятнинг бирор жиҳатини очиб беришига қараб умумий ечим топилади.

**Семинар машғулотини олиб боришда қўлланиладиган метод:** Кейс стади услуби.

#### **Фойдаланиш учун адабиётлар:**

1. Бабосов Е.М. Современный социум: характер и направленность развития / Е.М.Бабосов, Ч.С.Кирвель, О.А.Романов. – Минск: издательство «четыре четверти», 2013. – 728 с.

2. Гидденс Энтони. Социология. – М.: Эдиториал УРСС, 1999. – 704 с.
3. Харари Ю.Н. Sapiens. Краткая история человечества / Юваль Ной Харари; [пер. с англ. Л.Сумм]. – М.: Синдбад, 2020. – 512 с.
4. Штомпка П. Социология. Анализ современного общества: Пер. с польск. С. М. Червонной. – М.: Логос, 2005. – 664 с.

#### **4- Семинар.**

#### **Мавзу: Социологияда эмпирик тадқиқот методлари**

*Режса:*

- 1. Социологияда тадқиқот стратегияси ва умумий методологияси муаммоси*
- 2. Асосий тадқиқот методлари (дала тадқиқотлари, сўровлар, танлаш, ҳужжатли тадқиқот, экспериментлар)*
- 3. Тадқиқотнинг бошқа турлари: интервью, кундаликлар, сұхбат таҳлили ва б.*
- 4. Тадқиқот натижалари ва уларнинг талқини*

**Семинар машғулотини олиб бориш тартиби:** Тингловчилардан ихтиёрий равишда эмпирик тадқиқот тайёрлаш ва ўтказишнинг 3 та босқичига мос тарзда 3 та кичик груптар шакллантирилади. Бунда: биринчи груп социологик тадқиқот хужжатларини тайёрлаш бўйича назариётчи социологлар ролини бажариши, иккинчи груп дала тадқиқотларини бажарувчи амалиётчи социологлар ролини бажариши, учинчи груп эса тўпланган эмпирик маълумотларни таҳлил этувчи аналитик (таҳлилчи) социологлар ролини бажариши талаб этилади.

Машғулот сўнгидаги ўқитувчи томонидан ҳар бир групнинг фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.

**Семинар машғулотини олиб бориша қўлланиладиган метод:** Кичик груптарда ишлаш.

## **5-Семинар**

### **Мавзу: Социологик назария ва методологиялар истиқболлари**

*Режса:*

- 1. Социал фаолият мураккаблиги турли назарий ёндашувлар мавжудлигининг омили сифатида*
- 2. Замонавий социологиянинг асосий назарий ёндашувлари: функционализм, структурализм, символик интерекционизм ва б.*
- 3. Дунёнинг янги манзараси ва уни изоҳлашда социологиянинг ўрни*

**Семинар машғулотини олиб бориш тартиби:** Тингловчилардан ихтиёрий равища кичик гурухлар шакллантирилади, мавзу буйича асосий тушунчаларни жавдал ва схемалари шакллантирилади. Тингловчилар ўзлари бажарган амалларини индивидуал ёки гурухий тарзда изоҳлаб, химоя этадилар.

**Семинар машғулотини олиб боришда қўлланиладиган метод:** Баҳс ва мунозара методи

### **Фойдаланиш учун адабиётлар:**

1. Бабосов Е.М. Современный социум: характер и направленность развития / Е.М.Бабосов, Ч.С.Кирвель, О.А.Романов. – Минск: издательство «четыре четверти», 2013. – 728 с.
2. Гидденс Энтони. Социология. – М.: Эдиториал УРСС, 1999. – 704 с.
3. Харари Ю.Н. Sapiens. Краткая история человечества / Юваль Ной Харари; [пер. с англ. Л.Сумм]. – М.: Синдбад, 2020. – 512 с.
4. Штомпка П. Социология. Анализ современного общества: Пер. с польск. С. М. Червонной. – М.: Логос, 2005. – 664 с.

## **V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қўйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### **Мустақил таълим мавзулари**

1. Замонавий социологияда методология муаммолари
2. Социологияда парадигмалар алмашинуви
3. Инсон жамияти тарихи: тушунча ва моҳият
4. Социум, жамият ва ижтимоий тизимлар: ўзаро боғлиқлиги ва фарқлар
5. Социал структура ва унинг таркибий элементлари
6. Социал ҳаракат ва унинг асосий шакллари
7. Социал алоқалар
8. Конфликт ва консенсус жамият мавжудлигининг шакли сифатида
9. Инсон фаоллиги социал контекст сифатида
10. Социал бирликлар
11. Социал стратификация: асосий моҳияти ва тенденциялари

12. Жамият функционаллиги ва унинг асосий тенденциялари
13. Социал ўзгаришлар ва унинг шакллари
14. Эмпирик тадқиқотлар: асосий методлар
15. Эмпирик тадқиқотларни ўтказиш ва олинган маълумотларни таҳлил  
қилиш услублари

## VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

### **Мини кейс 1.**

**Ижодий жамоада илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш.**

**“Вазият:** Олий таълим муассасасида ўқитувчилар орасида илмий салоҳият даражаси паст, атиги 20% ни ташкил этади. ОТМ раҳбарияти барча факультетлар, шу жумладан Ижтимоий фанлар факультети жамоаси олдига 2 йилда илмий салоҳиятни камидаги 50 фойзга кўтариш вазифасини қўйди.

**Реал ҳолат:** Факультетда 72 та ўқитувчи бўлиб, шулардан 45 ўқитувчи илмий тадқиқот мавзулари устида иш олиб бормаяпти, фақатгина 10 киши ўз диссертацияларини яқунлаш имкониятларига эга. Факультетдаги кафедраларда грант лойиҳалари тайёрланиша яхши эмас, илмий патентлар олинмаган.

**Мақсад:** Кўйилган вазифани бажариш бўйича асосланган дастур ишлаб чиқиш”.

#### **Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:**

- a) Муаммони ҳал этиш бўйича илмий фаразлар билан танишиш
- b) Илмий тадқиқот ишларига салбий таъсир қилувчи ва тўсқинлинлик қилувчи омилларни аниqlаш
- c) Илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш дастурини ишлаб чиқиш

### **Мини кейс 2.**

**Мехнат жамоаларида ёшларни иш билан таъминлашни яхшилаш.**

Вазият: “Олий таълим муассаса бити्रувчиларини ишга жойлаштириш натижалари олинди, бу соҳадаги кўрсаткич яхши эмас. Хусусан, бити्रувчиларнинг 20 фоизга яқини (480 ёшлар) иш ўринларига эга эмас. Вазирлик томонидан ОТМ раҳбариятига 3 ой ичида барча бити्रувчиларни иш билан таъминлаб, амалга оширилган ишлар натижаси бўйича вазирликка ахборот киритиш вазифаси қўйилди.

Реал ҳолат: Бити्रувчиларнинг маълум бир қисми вилоятларга, айниқса қишлоқлардаги мактабларга ишга бормай, Тошкент шаҳрида, қолаверса вилоят марказларида қолиб, мутахассисликлари бўйича ишламаяпти. Муаммонинг яна бир жиҳати айрим вилоят ва туман ҳокимиятлари томонидан ёш мутахассислар учун иш шароитлари ҳамда ижтимоий муаммоларини (уй-жой билан таъминлаш, транспорт харажатлари ва б.) ҳал этишга эътибор қаратмаётганликлари билан боғлиқ.

Мақсад: Кўйилган вазифани бажариш бўйича асосланган дастур ишлаб чиқиш”.

#### **Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:**

- a) Ёш мутахассисларни иш ўринлари билан таъминлашга оид ҳолатни ўрганиб чиқиш
- b) ОТМ бити्रувчиларининг ишга жойлашишларига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш
- c) Ёш мутахассислар ўртасида меҳнат қўнимсизлигининг олдини олишга қаратилган лойиҳани ишлаб чиқиш

## VII. ГЛОССАРИЙ

Инглизча	Русча	Ўзбекча	Мазмуни
Agencies of socialization	Агенты социализации	Ижтимоийлашув агентлари	<i>Ижтимоийлашувнинг энг муҳим жараёнлари кечадиган гуруҳлар ёки социал контекстлар (муҳим)</i>
Anthropology	Антрапология	Антрапология	Анъанавий маданиятлар ва инсон эволюциясини ўрганувчи ва шу жихатдан социологияга яқин бўлган фан
Stateless society	Бесгосударственное общество	Давлатсиз жамиятлар	Бошқарув институтлари мавжуд бўлмаган жамиятлар
Primary group	Первичная группа	Бирламчи гурӯҳ	Бир-бирлари билан шахсий ўзаро муносабата бўлган индивидлар гурӯҳи
Secondary group	Вторичная группа	Иккиламчи гурӯҳ	Бир-бирлари билан шахсий даражада яқин таниш бўлмаган индивидлар гурӯҳи
Welfare state	Государство всеобщего благосостояния	Умумий фаровонлик давлати	Фуқароларни имтиёзлар ва нафақаларнинг кенг тўплами билан таъминлай оладиган сиёсий тизим
Adial type	Идеальный тип	Идеал тип	Амалда мавжуд бўлмаган, аммо асосий манзараси тасвирланадиган социал объект қурилмаси (конструкцияси). Хусусан, Макс Вебер бюрократик ташкилотнинг идеал типини яратган эди

Function	Функция	Функция	Фаолият, баъзи системалар доирасидаги объектнинг унга мансублиги ва роли; объектлар ўртасидаги алоқалар кўриниши бўлиб бирининг ўзгариши иккинчисининг ҳам ўзгаришига олиб келади, бунда иккинчи объект дастлабкисининг функцияси дейилади
Macrosociology	<b>Макросоциология</b>	<b>Макросоциология</b>	Катта миёсдаги гурӯхлар, ташкилотлар ёки ижтимоий тизимларни тадқик этиш
Microsociology	<b>Микросоциология</b>	<b>Микросоциология</b>	Инсоннинг юзма-юз жабҳадаги хулқ-атвори ва хатти-харакатларини тадқик этиш
Public opinion	Общественное мнение	Жамоатчилик фикри	Жамият аъзоларининг кундалик ҳаёт масалалари ҳақидаги умумий қарашлари
Stability	Стабильность	Барқарорлик	жамиядаги тинч-тотувлик ва уни мустаҳкамлаш учун шарт-шароитнинг мавжудлиги; ижтимоий қатламлар, кучлар ва сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамжиҳатлик вазияти; давлат, жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўртасидаги ижтимоий келишув ҳолатининг муттасил давом этиши

Social group	Социальная группа	Ижтимоий гурух	Ҳар бир аъзоси бошқаларига нисбатан тақсимланган кутилмалар асосида маълум бир тарзда ўзаро хатти-харакат қилувчи индивидлар йигиндиси
Organization	Организация	Ташкилот	Маълум бир бўйсуниш ва ҳокимият муносабатлар тизимиға жалб бўлган одамларнинг катта гурухи
Social transformation	Социальная трансформация	Социал трансформация	Жамиятлар ёки социал тизимлардаги ўзгаришлар жараёнлари
Urbanization	Урбанизация	Урбанизация	Кичик ва катта шаҳарларнинг ривожланиши
Structuralism	Структурализм	Структурализм	Социал ёки маданий тизимлар тузилмаларини аниқлашга қаратилган назарий ёндашув
Functionalism	Функционализм	Функционализм	Социал воқеалар уларнинг функцияларига, яъни ижтимоий жараёнларга таъсирига кўра яхшироқ изохланиши мумкин деб ҳисобловчи назарий оқим

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-ҳуқуқий хужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь

“2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 февралдаги “Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5667-сонли Фармони

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

### **III. Махсус адабиётлар**

20. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
21. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
22. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
23. H.Q. Mitchell, Marilena Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
24. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
25. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
26. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. — Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. — 318 с.  
<http://science.vvvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
27. Барков С. А., Зубков В.И. Социология организаций. М.: ЮРАЙТ, 2018.
28. Барков С.А. Организация и рынок: противоборство или согласие? М.: Изд-во Московского университета, 2008.
29. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
30. **Больц Н. Азбука медиа. / Пер. с нем. Л.Ионин, А.Черных. - М.: Европа, 2011. – 136 с. <http://en.bookfi.net/book/1405627>**
31. Гидденс Э., Саттон Ф. Основные понятия в социологии. – М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2018.
32. Гулбод Құдратуллоқ қизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Аңғанавий ва ноанғанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказы” нашриёти, 2019. 312 б.
33. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишининг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

34. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. [http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)
35. Йоас Х., Кнебель В. Социальная теория. 20 вводных лекций. – СПб.: Алетейя, 2015. <https://search.rsl.ru/ru/record/01007580496>
36. История социологии (XIX – середина XX века). – М.: ИНФРА-М, 2004. <https://search.rsl.ru/ru/record/01002465303>
37. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
38. **Кастельс М. Власть коммуникации: учеб. пособие / М. Кастельс; пер. с англ. Н. М. Тылевич; под науч. ред. А. И. Черных; Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». — М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2016. — 564 с. <https://yadi.sk/d/UC0SzNIk3Mj7qk>**
39. Кимелев Ю.А., Полякова Н.Л. Модерн и процесс индивидуализации: исторические судьбы индивида модерна. – М.: ИИЦ
40. **Коломиец В. П. Социология массовой коммуникации в обществе коммуникационного изобилия // Социологические исследования. 2017. №6. С.3-14. [http://www.isras.ru/index.php?page\\_id=2624&jid=6721&jn=socis](http://www.isras.ru/index.php?page_id=2624&jid=6721&jn=socis)**
41. Конецкая В.П. Социология коммуникации / В.П. Конецкая. - М.: Международный университет бизнеса и управления, 1997. – 304 с.
42. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
43. Назаров М.М. Массовая коммуникация и общество. Введение в теорию и исследования / М.М. Назаров. — М.: Либроком, 2014. — 354 с.
44. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг қўмагида. [https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)
45. Организационное поведение/ Под ред. С.А. Баркова. – М.: ЮРАЙТ, 2015.

46. Осипова Е.В. Патриархи социологии. – М.: Институт социально-политических исследований РАН, 2011.  
<https://search.rsl.ru/ru/record/01005063843>

47. Осипова Н.Г. Западная социология в XX столетии: ключевые фигуры, направления и школы. – М.: Канон+РООИ «Реабилитация»,

48. Политика и управление в социальной сфере/ Под ред. Н.С.Григорьевой, Н.С.Соловьева. М.: АРГАМАК-МЕДИА, 2018

49. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.

#### **IV. Интернет сайтылар**

48. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:  
[www.edu.uz](http://www.edu.uz).

49. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

50. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)

51. Открытое образование. <https://openedu.ru/>

52. <https://www.socio.msu.ru/>

53. <https://www.isras.ru/>

54. <https://www.isras.ru/Sociologicalmagazine.html>